

Agro Inform

Agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommmabop jurnal
Аграрно-экономический, научно-популярный журнал
Agricultural and economical accessible science journal

BOSH MUHARRIR:
Sirojiddin RUSTAMOV

TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:

Ravshan Mamutov,
O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis
Qonunchilik palatasi Agrar va suv
xo'jaligi masalalari qo'mitasi raisi

Jamshid Xo'jayev,
O'zbekiston Respublikasi
Qishloq xo'jaligi vaziri

Shavkat Hamrayev,
O'zbekiston Respublikasi
Suv xo'jaligi vaziri

Aktam Xaitov,
O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari
va tomorqa yer egalari kengashi raisi

Rustam Mamatqulov,
"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
boshqaruvi raisi

To'ra Xudoyberdiyev,
"Oqtosh Don" aksiyadorlik jamiyatni raisi

Mahmud TOIROV,
Bosh muharrir o'rinnbosari

Mas'ul kotib:
Baxtiyor ESANOV

Dizaynerlar:
Avazbek Topilov
Ja'far Jabborov

Musahhih:
Jo'rabeck SIROJIDDIN o'g'li

Viloyat muxbirlari:
Qoraqalpog'iston Respublikasi va
Xorazmda
Shukurjon JABBOROV

Buxoro va Navoiyda
Yashnarbek XUSANOV

Samarqand va Jizzaxda
Murodulla Tursunov

Sirdaryo va Toshkentda
Azamat TOIROV

Andijon, Namangan va Farg'onada
Karimjon ERGASHEV

Qashqadaryo va Surxondaryoda
Jahongir PIRIMQULOV

Nashr O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining 2021-yil 31-iyuldag'i
303/5-sonli qarori bilan
Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga olingan.

Jurnal 2000-yildan buyon chiqqa boshlagan
The journal has been published since 2000

2/2021

TAHRIR HAY'ATI RAISI :

Jamshid XO'JAYEV,
Toshkent davlat agrar universiteti rektori

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

Ibrahim DILER,
Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)

Abdulloh UNLU,
G'arbiy O'rta Yer dengizi Qishloq xo'jaligi ilmiy-tadqiqot instituti
direktori, professor (Turkiya)

Pestis VITOLD,
Grodno davlat agrar universiteti rektori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori, professor,
Milliy fanlar akademiyasi muxbir a'zosi, Xalqaro Vena universitetining
faxriy professori (Belorusiya)

Temirjan AYTBAEV,
Qozog'iston Milliy fanlar akademiyasi akademigi, Bog'dorchilik va sabzavotchilik
milliy innovatsion markazi direktori, Qozog'iston Milliy agrar universiteti Meva-
sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrasini mudiri, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

Sohib ISLAMOV,
Toshkent davlat agrar universiteti prorektori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori,
professor

Abduaziz ABDUVASIQOV,
Toshkent davlat agrar universiteti prorektori, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent

Xurshid DALIYEV,
Toshkent davlat agrar universiteti rektori matbuot kotibi –
axborot siyosati masalalari bo'yicha maslahatchi

Rasuljon JUMAYEV,
Toshkent davlat agrar universiteti professori,
Qishloq xo'jaligi fanlari doktori (DSc).

To'lqin SHAMSUTDINOV,
Meva-sabzavotchilik va uzumchilik fakulteti dekanı, biologiya fanlari nomzodi

Baxtiyor NASIRILLAYEV,
Ipakchilik ITI tut, ipak qurti naslchiligi, ekologiyasi va kimyoviy zaharlanish
profilaktikasi laboratoriysi mudiri, qishloq xo'jaligi fanlari doktori, professor

Maxsud ADILOV,
Sabzavotchilik, polizchilik, kartoshkachilik va issiqxona xo'jaligi kafedrasini
professori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

Muhammad-Ali SAIDOV,
Agrologistika kafedrasini professori, iqtisod fanlari doktori

Bahrom AZIZOV,
O'simlikshunoslik kafedrasini professori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

Usmon NORQULOV,
Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasini professori,
qishloq xo'jaligi fanlari doktori

Erkin BERDIYEV,
Manzarali bog'dorchilik kafedrasini professori, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

Rajabboy DO'STMURODOV,
Buxgalteriya hisobi va audit kafedrasini professori, iqtisod fanlari doktori

Mirzamad ODINAYEV,
Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlashtirish
kafedrasini dotsenti, qishloq xo'jaligi fanlari falsafa doktori

Go'zal XOLMURODOVA,
Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasini professori,
qishloq xo'jaligi fanlari doktori

Norqobil NURMATOV,
Termiz agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti
Meva-sabzavotchilik va texnologiya fakulteti dekanı, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

Bayramdurdi SAPAYEV,
Fizika va kimyo kafedrasini professori, fizika-matemika fanlari doktori

Mansur YULDASHOV,
Baliqchilik kafedrasini professori, biologiya fanlari doktori

Alisher SHOKIROV,
Sabzavotchilik, polizchilik, kartoshkachilik va issiqxona xo'jaligi kafedrasini dotsenti,
qishloq xo'jaligi fanlari doktori

Ra'no YULDASHEVA,
Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasini dotsenti, qishloq
xo'jaligi fanlari doktori

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ш.М.МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА ТАБРИГИ

Хурматли дәҳқон ва фермерлар!
Азиз меҳнаткашлар ва соҳа фахрийлари!

Аввало, сизларни ва сизлар орқали жонажон халқимизни қутлуғ “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни — Ҳосил байрами” билан чин қалбимдан самими муборакбод этаман.

Бугунги қутлуғ кунда тиним билмас меҳнатлари билан дастурхонимиз тўкин-сочинлигини таъминлаб келаётган мамлакатимиз иқтисодий куч-қувватини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган заҳматкаш дәҳқонлар, фермерлар, кластер ходимлари, чорвадору пиллакорлар, меҳнаткаш сувчи, агроном ва механизаторлар, қишлоқ хўжалигида самарали фаолият олиб бораётган олимлар ва соҳанинг барча меҳнаткашларига халқимиз номидан, ўз номимдан чукур миннатдорчилик билдираман!

Албатта, қишлоқ хўжалиги осонгина натижаларга эришадиган соҳа эмас. Бу соҳада осон ва енгил йилнинг ўзи бўлмайди. Табиат инжиқликлари, сув ресурсларининг чекланганлиги, турли ҳашарот ва зараркундалар билан курашиш ҳар бир дәҳқондан катта азму шижаот, миришкорлик ва тажрибани талааб этади. Халқимиз сизларнинг ана шундай жасоратингиз ва ибратли фазилатларингизни яхши билади ва юксак қадрлайди.

Жорий йил натижалари ҳам осонгина қўлга киритилмади. Бу йилда ҳам баҳорда ёғингарчиликнинг кам бўлиши, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши, сув ресурсларининг ҳар йилдагидан сезиларли даражада кам бўлишига қарамасдан дәҳқонларимиз ўзларининг метин иродаларини, ўз касбининг усталигини исботлаб, ерга нисбатан меҳрини кўрсатиб, 22 миллион тонна мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 7,6 миллион тоннага яқин дон, 3,3 миллион тоннадан зиёд пахта, 22,8 минг тонна пилла, 2,6 миллион тонна гўшт, 11 миллион тоннадан ортиқ сут маҳсулотлари, 8,1 миллиард дона тухум, 200 минг тонна балиқ етишитирдилар. Шунингдек, бошқа маҳсулот турлари етиширища ҳам яхши нтижаларга эришилди.

Ҳосил ҳақида гапирад эканмиз, ғалланинг ҳар гектаридан 95-100 центнердан ҳосил олган Марҳамат туманидаги “Сотволдиев Ҳошимжон”, Бувайда туманидаги “Исломжон Шукурулло”, Оҳангарон туманидаги “Нажмиддин Фахриддин файз”, Дўстлик туманидаги “Фарҳод”, Ромитан туманидаги “Кўхна Бухоро”, Қарши туманидаги “Мўл ҳосил сифат”, Риштон туманидаги “Моҳинур файзли гавҳари”, Кумқўрғон туманидаги “Паданғ”, Элликқалъа туманидаги “Саҳтиён Азамати”, Тўракўрғон туманидаги “Шоҳида бургути” каби фермер хўжаликларининг номларини мамнуният билан эътироф этамиз.

Пахтачиликда олиб борилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ жорий йилда 3 млн 373 минг тонна

ёки ўтган йилдагига нисбатан 300 минг тонна кўп пахта хомашёси етиширилди. Ҳосилдорлик аввалги йилларга нисбатан ўртача 3,5 центнерга ошиб, гектарига 32,7 центнерни ташкил қилди.

Бу улкан ҳосилни яратишда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшган Кўрғонтепа туманидаги «Хантекс гроуп», Дўстлик туманидаги “Сангзор-текстиль”, Қоракўл туманидаги “Қоракўл кумуш калава”, Вобкент туманидаги “Бухоро агро кластер”, Каттақўрғон туманидаги “Амина Голд Инвестъ”, Кумқўрғон туманидаги “Термиз Жайхун текстиль кластер”, Куйичирчиқ туманидаги “ТСТ кластер”, Кўштепа туманидаги “Глобал текстиль солишин”, Бофот туманидаги “Коботекс” каби пахта-тўқимачилик кластерлари, шунингдек, Жарқўрғон туманидаги “Хушбоқ бобо”, Шароф Рашидов туманидаги “Азим-С”, Кармана туманидаги “Лочин”, Бўстон туманидаги “Шермуҳаммад Абдуллаев”, Пешку туманидаги “Вараҳшо нурли замини”, Беруний туманидаги “Раҳматулла Чаман” ва Пастдарғом туманидаги «Ҳақберди бобо Бекзоджон» фермер хўжаликлари барчага намуна бўлдилар. Бу ютуқлар шубҳасиз соҳада амалга ошириб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, бой билим ва тажрибаси, омилкорлик хислатларини намоён этиб, илм-фан ютуқларини самарали қўллаш натижасида юксак хирмон яратган барча дәҳқон-у, фермерларимизга ҳамда агрокластер корхоналари раҳбар-ходимларига ўз номимдан, халқимиз номидан яна бир бор чукур миннатдорчилик билдираман.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Аввалимбор, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экспорт географиясини кенгайтириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш, маҳсулот етиширувчиларнинг даромадини ошириш, соҳада инновациян, ресурстежамкор технологияларни қўллаш каби долзарб масалаларни ўзида қамраб олган “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси” қабул қилинди.

Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 7 та Қонун, 86 та норматив-хуқуқий хўжатлар қабул қилиниб, ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан соҳа корхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усувларидан воз кечиш ҳамда вазирликни сервис ташкилотига айлантириш,

кенг кўламли хизмат кўрсатиши, қишлоқ хўжалигида давлат хизматларининг ролини босқичма-босқич камайтириш ва хусусий секторга бериш мақсадида, 2021 йилдан Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий маркази ҳамда ҳудудий АгроХизматлар маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Улар томонидан “Ягона дарча” тайомили асосида 17 та йўналишда 100 дан ортиқ хизматлар, шунингдек, хусусий сектор томонидан 18 та йўналишда 45 дан ортиқ хизматлар кўрсатилиши ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларига асосланган, бошқарувнинг замонавий шакли - кластер тизими жорий этилиб, 2017-2021 йилларда барча йўналишларда 651 та агрокластерлар фаолияти йўлга қўйилди.

Пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавот маҳсулотларининг 40 фоизидан ортиғи кластер тизими асосида етиштирилмоқда.

Агрокластерлар томонидан биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилишга эътибор қаратилди. Улар томонидан 2,5 трлн. сўмлик 5200 дан ортиқ ресурстежамкор, замонавий ва юқори унумли техникалар олиб келинди, 126 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди, 143 минг гектардаги майдонлар қайта фойдаланишига киритилди.

Маҳсулотни чуқур қайта ишлаш қувватларини ошириш бўйича 1,8 млрд. долларлик инвестициялар жалб қилиниб, 297 та лойиха ишга туширилди ҳамда 152 мингта иш ўрни яратилди.

Натижада, пахтачиликда толани қайта ишлаш 2,5 баробарга ошиб, етиштирилган ҳосилга нисбатан 100 фоизга етказилди, шунингдек, ип-калава ишлаб чиқариш 2 баробарга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 3 баробарга ортди, экспорт қиймати 2,2 миллиард АҚШ доллари миқдорига етказилди.

Мазкур тадбирлар натижасида, Андижон, Бухоро, Намangan, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларида 17 та кластерда ҳосилдорлик гектаридан 35-40 центнерга етказилди.

Жўмладан, “Денов текстиль” кластерида пахта ҳосилдорлигини 2 йил ичидаги 1,8 баробарга кўпайтирилиб, гектаридан 2019 йилдаги 19 центнер ўрнига, 2021 йилда ўртача 34 центнерни ташкил этди. Шунингдек, Қоракўлдаги “Мергантекс”, Поп ва Мингбулоқдаги “Арт софт текстиль” кластерларида ҳосилдорлик, иш ўринлари, даромад ва экспорт 1,5-2 баробарга ошишига эришилди.

Биз ер қадрини биладиган, унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланадиган, доимо изланиб, ўзига хос тажриба яратган бундай кластер раҳбарларини, улар билан ёнма-ён ишлаётган фермер ва дехқонларимизни, фидойи ва жонкуяр, ватанпарвар инсонлар сифатида қадрлаймиз.

Кластер тизими жорий этилиши натижасида, фермер ва бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг даромади 2017 йилга нисбатан 2 баробарга, бир нафар ишчининг ойлик иш ҳақи эса 2,4 баробарга кўтарилди.

Бундай юқори натижаларни ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, шоличнолик, дориворчилик, чорвачилик соҳаларида ташкил этилган кластерларда ҳам кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда фойдаланишдан чиқсан ерларни қайта фойдаланишига киритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига алоҳида эътибор қартилмоқда.

2019-2021 йилларда жами 392 минг гектар,

шундан 2021 йилда 218 минг гектар ер фойдаланишига киритилиб, ушбу майдонларнинг 198 минг гектарига қишлоқ хўжалиги экинлари экилиб, кўшимча қарийиб 2 млн. тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди.

Иқлим ўзгариши, глобал исиши оқибатларида сув ресурлари йилдан-йилга камайиб боришини инобатга олиб, 2017-2021 йилларда 581 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинди.

Сув тежовчи технологияларнинг жорий этилишини рағбатлантириш мақсадида 2019-2021 йилларда бюджетдан 1,2 трлн. сўм субсидия маблағлари тўлаб берилди.

Натижада, 2019-2021 йилларда 2,6 млрд. куб метр сув, 51 млрд сўмлик 7,1 минг тонна ёқилғи мойлаш маҳсулотлари иқтисод қилиниб, маҳсулот етиштириш сарф-харажати 15 фоизгacha қисқарди.

Хурматли дўстлар!

Замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалик техникаларисиз қишлоқ хўжалигини ривожланишини тассавур қилиб бўлмайди. “Техника фермернинг қаноти” деб, бежизга айтмайди доно ҳалқимиз.

Шунинг учун қишлоқ хўжалигининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 7,5 трлн. сўмлик 41 минг дона қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари харид қилиниб, техника парки 13 фоизга янгиланди ва техника билан таъминланиш даражаси 80 фоизга етказилди.

Натижада, жорий йилда чигит экиш мавсуми 25 кундан 12 кунга, ғалла ўрим мавсуми 30 кундан 22 кунга қисқариб, шудгорлаш ишларини 25-30 кунда якунлаш имконияти яратилди.

Аҳолининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2017-2021 йилларда паст рентабелли жами 477 минг гектар шундан, 252 минг гектар пахта ва 225 минг гектар ғалла майдонлари қисқартирилиб, ўрнига мева-сабзавот, полиз, картошка ва озуқабоп экинлар жойлаштирилди.

Боғ ва токзорларни кенгайтириш орқали мева ва узумларни ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, экспортга йўналтириш мақсадида 2017-2021 йилларда республикада жами 114 минг гектар ерда интенсив мевали боғ ҳамда 51 минг гектар майдонда токзорлар барпо этилди. Шунингдек, иқтисодий самараисиз 59,5 минг гектар боғ ва 27,5 минг гектар токзорлар реконструкция қилинди.

Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, тадбиркорларга енгилликлар яратиш мақсадида “тайёр ҳолда топшириш” механизми асосида замонавий интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш йўлга қўйилди.

Хусусан, Фарғона вилояти Кўштепа туманида “Grapes and Gardens Investment” АЖ ташкил этилиб, 64 гектарда эртапишар экспортбоп интенсив боғ барпо этилди. Ушбу боғлар аҳолига имтиёзли шартларда 7 йилда бўлиб тўлаш шарти билан сотилмоқда.

2017-2021 йилларда фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жами 4200 гектар янги иссиқхоналар ташкил этилиб, умумий майдони 5575 гектарга етказилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида қиймати 2,3 трлн сўмлик қарийиб 800 гектар майдонда 398 та замонавий иссиқхоналар ишга туширилиб, 6,4 минг та янги иш ўринлари яратилди.

Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полизчилик, картошкачиликка ихтисослаштириш орқали ички

ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар етишириш мақсадида 94 минг гектар майдон 2-3 турдаги мева-сабзавот етиширишга чукур ихтисослаштирилди.

Олиб борилган ислоҳотлар натижасида 2021 йилда 11,5 млн. тонна сабзавот, 2,3 млн. тонна полиз, 3,2 млн. тонна картошка, 3 млн. тонна мева, 1,8 млн. тонна узум етиширилиши таъминланди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши натижасида нафақат мамлакатимиз аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, балки уни экспорт қилиш имкониятлари кенгаймоқда.

Бу ўз навбатида қишлоқ жойларида замонавий савдо, логистика марказлари ва чукур қайта ишлаш ҳамда сақлаш корхоналарининг ривожланишига етакчи омил бўлмоқда.

Мева-сабзавотларни қайта ишлаш қувватлари 2021 йилда 2,8 млн тоннага, гўштни қайта ишлашда 371,3 минг тоннага, сутни қайта ишлашда 2,6 млн тоннага етказилди, шунингдек, 206 минг тн қувватга эга 19 агрологистика марказлари ишга туширилиб, уларнинг сони 53 тага ҳамда қуввати 738 минг тоннага етказилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, амалга оширилган тизимили ишлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми кейинги йилларда ортиб, 2017-2021 йилларда жами 5,5 млрд. долларлик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинган.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт географияси кенгайиб, Америка Самоаси, ЖАР, Македония, Мальдив Ороллари, Марокаш, Непал, Словения, Хорватия, Швеция, Ямайка мамлакатлари бозорларига янги йўналишлар очилгани, умуман, бугунги кунгача республика бўйича 870 млн долларлик 1,4 млн. тонна мева-сабзавот маҳсулотлари 68 та давлатга экспорт қилинди.

Экспорт кўрсаткичларида ўтган йилга нисбатан дуккакли маҳсулотлarda 115 фоизга, узим маҳсулотларида 105 фоизга, куритилган мева-сабзавотлар ҳамда мойли маҳсулотлarda 113 фоизга ўсди.

Шунингдек, сўнгги йилларда нафақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, балки уруғлар экспорти йўлга қўйилиб, қўшимча даромадлар олинмоқда. Жумладан, 2021 йилда 1,2 млн. долларилик 933 тонна уруғлик чигит, 544 минг долларилик 1102 тонна уруғлик буғдой, 180 минг долларилик 110 тонна сабзавот, 112 тонна полиз экинлари уруғлари ва илк маротаба 10 тонна уруғлик шоли уруғлари "Uzbek Seeds" бренди остида экспорт қилинди.

Бу натижалар қувонарли бўлиб, ифтихор билан тилга олиш мумкин.

Албатта, қишлоқ хўжалиги соҳасида эришган ютуқлар ва амалга оширилган ишларни барчасини таъкидлаш узоқ вақт талаб қиласи.

Қадрли соҳа меҳнаткашлари!

Ҳозирги кунда жонажон Ўзбекистонимизда замонавий деҳқончилик, чорвачилик, пиллачилик каби қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари билан шуғуланиш, энг асосийси даромад олиш учун барча шароитлар мавжудэканини алоҳидат алоҳидат таъкидламоқчиман.

Шу билан бир қаторда, глобал иқлим ўзгариши, минтақамиз иқлимига хос бўлмаган табиий оғатларнинг кўпайиши, сув ресурсларининг тобора танқислашуви, ерларнинг чўллашув даражасининг ошиши деҳқонларимиз ва соҳа олимлари олдига кўплаб

муаммоларнинг ечимини топиш масаласини қўймоқда.

Бу хавфларнинг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, соҳани ресурстежамкор ва юқори унумли янги техникалар билан узлуксиз таъминлаб бориш, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида агротехнологияларни жорий этиш, том маънодаги бозор механизмларини жорий қилиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда шу вазифаларни еча оладиган етук билимга эга мутахассислар тайёрлаш олдимиздаги устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Келгуси йилларда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш борасидаги мақсадларимизга эришиш учун Қишлоқ хўжалик ходимлари 2022-2026 йилларда:

ресурсстежамкор инновациян технологияларни кўллаш ҳисобига маҳсулот етишириш таннархини 30-35 фоизга қисқартириш, пахтадан гектаридан ўртacha 40-45 центнер ва ғалладан 70-75 центнер ҳосил олишга эришиш;

қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадларини камидаги 2 баробарга ошириш;

экспортбоп маҳсулотлар етишириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баробар ва иссиқоналарни 2 баробар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларигава агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробарга ошириш;

чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш ва наслчилик ишларини ривожлантириш, чорвачилик тармоқларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш асосида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 1,5-2 баробарга ошириш;

сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳар йили камидаги 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш тизимига ўтиш;

соҳани жадал рақамлаштириш, замонавий ахборот тизимларини жорий этиш, кўрсатиладиган хизматларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерлари ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни "онлайн" режимида мониторинг қилиш тизимини яратиш каби қатор вазифаларни белгилаб олмоқдалар.

Барчангизни бу муҳим ва олижаноб вазифларни бажаришда елкама-елка туриб, бир-тану, бир жон бўлиб, бор билим ва тажрибангизни, куч-файрат ва садоқатнингизни кўрсатган ҳолда уddaлашингизга ишонманан.

Муҳтарам деҳқон ва фермерлар, агрокластер ходимлари ва соҳа фидойилари!

Сизларни яна бир бор "Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни — Ҳосил байрами" билан табриклайман!

Барчангизга соғлик-саломатлик, оилавий тинчлик ва осойишталик, залворли фаолиятингизда улкан зафарлар, қилаётган меҳнатингизга ва умрингизга барака тилайман!

Кириб келаётган янги йилда барчанинг дастурхонига тўкин-сочинлик ва деҳқончиликда мўлкүл ҳосил олиш насиб қилишини Яратгандан сўраб қоламиз!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда
кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида**

Мева-сабзавотчилик соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва сотиш (экспорт қилиш) жараёнларини ўзаро интеграция қилиш, кластерлар (кооперация) фаолиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали куйидагиларга:

а) фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга – мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга кредитлар ажратилади;

б) мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга – етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 12 ойлик “револьвер” кредит ажратилади. Бунда, ушбу кредит ҳисобидан кластер ва кооперацияларнинг тижорат банкларидан олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмайди.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Жамғармага 2 трилион сўм бюджет сусдаси ажратилади.

Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан келгуси йиллар ҳосилини молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағларнинг Жамғармага ажратиб борилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, 2022 йил 1 марта бошлаб:

а) мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликлари – экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган суғурта мукофотининг 50 фоизи, бироқ суғурта пулининг 1 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилади. Бунда, суғурта пули хавф-хатардан суғурта қилинаётган ҳосил қийматининг 70 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас;

б) мева-сабзавотчилик кластерларига (кооперацияларга) – хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ бир ойга 1 нафар мутахассис учун 1 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган қисми Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туман бўйимлари орқали компенсация қилинади. Бунда, мева-сабзавотчилик кластерларига ўзига бириклирлган маҳсулот етиштирувчилар учун боф ва токзорларни барпо этиш, сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш тавсия этилади;

в) мазкур бандда кўзда тутилган компенсация харажатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

4. Мазкур қарорнинг 1 ва 3-бандларида назарда тутилган преференция ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, уларни харид қилувчи ташкилот ҳамда тижорат банки ўртасида тузилган шартномаларга эга бўлган, шунингдек, ушбу шартномаларни Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади.

Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев) мазкур бандда назарда тутилган шартномаларни Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказиш учун 2022 йил 1 февралга қадар техник имкониятларни яратсин.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Жаҳон банкининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида жалб этилган 65 миллион АҚШ доллари микдоридаги маблағлари ҳисобидан кичик агрологистика марказларини барпо этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда хусусий секторни жалб қилган ҳолда кичик агрологистика марказларини барпо этиш тартибини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафаев), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норқулов), Энергетика вазирлиги (А.С.Султонов), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги (Ш.С.Ҳидоятов), Транспорт вазирлиги (И.Р.Махкамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар), қайта ишлаш корхоналари ва агрологистика марказлари учун зарур бўлган ташқи муҳандислик (электр энергияси, табии газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, автомобиль йўллари) тармоқларини таъмирлаш ва қуриш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

ташқи муҳандислик тармоқларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш учун Осиё тараққиёт банкидан 100 миллион АҚШ долларигача бўлган қарз маблағларини 2022 йил якунига қадар жалб қилиш чораларини кўрсин.

7. Куйидагилар:

Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этишининг ҳамда кластерлар томонидан 2022 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ойлар бўйича тақсимоти прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

2022 йилда амалга ошириладиган совиткичли сифимлар ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик):

Агентликка сабзавот, картошка, гул, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш, уларни сақлаш, қайта ишлаш билан шуғулланувчи, шунингдек, “даладан-растагача” тамоили асосида қўшилган қиймат занжирини яратувчи мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) фаолиятига кўмаклашиш вазифаларини юклаш;

Агентликнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган, ходимлар умумий чекланган сони 4-6 нафар штат бирлигидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимларини ҳамда ходимлар умумий чекланган сони 2-3 нафар штат бирлигидан иборат туманлар (Кувасой шаҳар) мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳа оғисларини (кейинги ўринларда – лойиҳа оғислари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансан.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг ходимлар умумий чекланган сони 32 штат бирлигидан иборат тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

9. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа оғисларига:

иқтисодий жиҳатдан самарасиз ва кам ҳосил берадиган боғларни (узумзорларни) аниқлаш, уларнинг ўрнида интенсив боғлар (узумзорлар) барпо этиш ёки уларни ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

интенсив боғ ва токзорлар барпо этишга яроқли ер участкаларини танлаш ва очиқ танловга чиқаришга амалий жиҳатдан кўмаклашиш;

ажратилаётган кредитлар доирасида тижорат банклари билан биргаликда мева-сабзавотчилик йўналишидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

мева, узум, сабзавот, картошка, полиз экинлари, гул, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш, уларни сақлаш, саралаш, қайта ишлаш ва экспортини ташкил этишга кўмаклашиш вазифалари юклатилсан.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа оғисларига қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ҳуқуки берилсан.

10. Белгилансинки:

Агентлик марказий аппарати учун талааб этиладиган қўшимча штат бирликлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари ҳамда лойиҳа оғисларининг штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг худудий бошқармаларидағи мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига ташкил этилади;

Агентлик, унинг худудий бўлимлари ва лойиҳа оғисларининг ходимларига тегишинча Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, ва худудий бўлинмалари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Агентлик директорига Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ва унинг худудий бўлинмаларига шартнома асосида мутахассисларни жалб этиш ҳуқуки берилсан.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий маркази билан биргаликда икки ой муддатда қишлоқ хўжалигига инновацион биомаҳсулотларни синовдан ўтказиш хизматлари тизимини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсан.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Узбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргалиқда уч ой муддатда:

мева-сабзавотчилик туманларини қайта күриб чиқиб, ҳар бир худуднинг табиий-икълим шароити ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда, мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперация) фаолиятини барқарор ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни;

ишлаб чиқарувчи - кластер - тайёрловчи корхона - қайта ишловчи ва экспортёрни узвий боғловчи тизимни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Агентлик (Ҳ.М.Каримов), Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (Р.М.Бобоев) уч ой муддатда:

халқаро молия институтлари, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти тизимида Республика боғонлар мактаби фаолиятини ривожлантирунсан;

халқаро молия институтлари ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти қошида Сабзавот, картошка, полиз, дуккакли экинлар, гул ҳамда доривор ўсимликларни интенсив усулда етиштириш мактабини ташкил этсан.

14. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) икки ой муддатда мева-сабзавот ҳосилини ҳавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда суғурта мукофоти учун тўловнинг ҳамда хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Воитов)га:

уч ой муддатда республикада мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш

ва уни экспорт қилишга мўлжалланган логистика марказларини хорижий давлатлар тажрибаси асосида ташкил этиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш манзилли дастурини шакллантириш;

мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга йўналтиришда зарур рухсатнома, сертификатлар ва божхона ҳужжатларининг расмийлаштирилишига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсан.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

17. Ўзбекистон Миллий телерадио-компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот восита-ларига мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсан.

18. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ва худудий бўлинмалари, Агентлик ва унинг худудий бўлимлари (бойиҳа оғислари)нинг тегишлилиги бўйича штат жадвалларини тасдиқлаб (ўзгартириб), ўрнатилган тартибда молия органларида рўйхатга кўйилишини таъминласин;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

19. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Ҳ.М.Каримов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М.Ғаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 15 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш орқали аҳоли даромадини ошириш, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини яратиш, шунингдек, ҳар бир туманда томорқа ер эгалари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш мақсадида:

1. Томорқада маҳсулот етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги қарз маблағлари қуидаги босқичларда Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда – Жамғарма) миллий валютада 4 йиллик имтиёзли давр билан 9 йил муддатга йиллик 2 фоиз ставкада йўналтирилсин:

1-босқичда – 50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар 2022 йил 1 январга қадар;

2-босқичда – 50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар 1-босқич маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги натижаларига кўра 2022 йил 1 июня қадар.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган маблағлар тижорат банкларига ресурс сифатида йўналтирилган ҳолда, томорқачилик лойиҳаларини кредитлаш учун оиласи тадбиркорликини ривожлантириш дастурларида белгиланган шартлар асосида:

а) томорқа ер эгаларига:

қоида тариқасида, 100 бош парранда, 5-10 бош курска, 20 бош қуён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси, интенсив усулда балиқ боқиши йўлга қўйиш, шунингдек, ихчам иссиқхоналар, “дала дўконлари” қуриш, артезиан қудукларини қазиш;

кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик;

полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик учун кредит ажратилади;

б) тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг (кейинги ўринларда – ҳоким ёрдамчиси) тавсиясига кўра “Томорқа хизмати” МЧЖларга уруғлик ва кўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун 300 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Бунда, “Томорқа хизмати” МЧЖларга бериладиган кредитлар бўйича Жамғарма маблағлари гаров таъминоти сифатида қабул қилинади;

в) етакчи тадбиркорлик субъектларига аҳоли томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кооперация асосида етиштириш ва етиштирилган маҳсулотларни харид қилиш учун айланма маблағларни тўлдиришга кредитлар ажратилади.

3. Белгилансинки, Жамғарма томонидан 2026 йил 1 январга қадар:

томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ 150 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда субсидия берилади;

сув таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни суғориш учун вертикал суғориш қудукларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби амал қилади.

Бунда:

мазкур бандда белгиланаётган чора-тадбирлар учун 2022 йилда Жамғармага Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратилади;

сув таъминоти оғир томорқа ерлари ва фойдаланишдан чиққан майдонларни суғориш учун вертикал суғориш қудукларини бурғулаш, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 2026 йил 1 январга қадар ҳар йили Давлат бюджетидан Жамғармага маблағ йўналтирилади;

омборхоналарни жиҳозлаш, сотиб олинаётган қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирилиги хузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан хулоса берилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш

ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш тартибини тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ҳокимларига ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда қўйидаги янги вазифалар юклатилсин:

томурқа хўжаликлари билан агросаноат кластерлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналарни жалб этган ҳолда кооперация алоқаларини ташкил этишга кўмаклашиш;

аҳоли хонадонларида, қоида тариқасида, 100 бош парранда, 5-10 бош курка, 20 бош қуён, 5-6 бош қўй ва эчки, 5 та асалари уяси боқишини ташкил этиш;

маҳсулот етказиб берувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар рўйхатини шакллантирган ҳолда, жойларда “тарқатиш ва маҳсулотларни йиғиб олиш бўйича мобиль хизматлар” фаолиятини йўлга қўйиш;

“хонадонбай” ишлаш асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити ва ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда томурқа хўжаликларини “Бир маҳалла - бир маҳсулот” тамоили асосида маҳсулот етиштиришга ихтинослаштириш;

ҳар бир маҳаллада кооперация асосида парранда, қуёнчилик, қўй-эчкичилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларни аниқлаш.

5. Қўйидагилар:

2022 йилда фаолияти кластер усулида ташкил этиладиган “Томурқа хизмати” МЧЖлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2022 йилда сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини ишга тушириш прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

6. Туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томурқа ер эгалари кенгашлари ҳузуридаги Фермер хўжаликлирида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритиши марказларининг мавжуд штатлари доирасида аҳоли хонадонларида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича биттадан агроном штати ташкил этилсин.

7. “Агробанк” АТБ шахсий томорқалардан самарали фойдаланишни тарғиб қилиш мақсадида 2022 йил 1 апрелга қадар жисмоний шахслар учун мўлжалланган, аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маркетплейс усулида сотишни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича онлайн маслаҳатлар кўрсатувчи маҳсус платформани ишга туширсин.

Бунда, “Агробанк” АТБнинг платформага уланиш ва хизматлардан фойдаланишни бепул қилиб белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

8. Белгилансинки, ҳар бир тумандаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси

ҳамда бошқа манбаатдор идораларнинг масъул ходимларидан иборат (иш ҳақи сақланган ҳолда) хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган доимий лойиҳа офиси ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Т.Норқобилов), “Паррандасаноат” уюшмаси (Б.И.Исаев), манбаатдор идоралар билан биргаликда:

бирой муддатда хонадонларда паррандачиликни йўлга қўйиш бўйича лойиҳа офисларини ташкил этиши чораларини кўрсинг;

икки ой муддатда худудэҳтиёжидан келиб чиқиб, хонаки паррандалар наслчилиги корхоналарини ташкил этсинг;

2022 йилда жойлардаги эҳтиёжни ўрганиб ва ҳудудларнинг иқлим шароитидан келиб чиқиб, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлардан хонаки парранда тухумларини олиб келиш ҳамда аҳолига тарқатиш чораларини кўрсинг.

9. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда мазкур қарор доирасида ажратилган кредит ресурслари ҳисобига доимий ва барқарор даромад манбаига эга бўлган фуқароларга қонунчиликда белгилangan тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишларига кўмаклашсан.

10. Ҳоким ёрдамчиларига туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томурқа ер эгалари кенгashi, томурқа ер эгалари, “Томурқа хизмати” МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда қўйидаги вазифалар юклансин:

уйма-уй юриш орқали томурқа ер эгаларининг ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шу жумладан, ерни тайёрлаш, уруғ, кўчат ва дараҳтлар экиш, иссиқхоналар қуриш, чорва ва паррандаларни кўпайтириш ҳолатини, ушбу қарор доирасида томурқа ер эгалари, “Томурқа хизмати” МЧЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектларида ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилишини, шунингдек, мазкур шахслар ўртасидаги шартнома муносабатларига риоя этилишини даврий мониторинг қилиб бориш;

томурқа ерларидан самарали фойдаланиш, аҳоли томорқаларини хизматлар билан қамраб олиш даражасини ошириш, шунингдек, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларини янада кўпайтириш.

11. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Ш.М.Фаниев, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томурқа ер эгалари кенгashi раиси А.А.Хайтов, қишлоқ хўжалиги вазари Ж.А.Ходжаев:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари

билин биргалиқда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланилиши бүйича ишларни манзилли ташкил этсин;

бир ой муддатда томорқа ер әгалари ва кооперацияларни маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, кооперация аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш бүйича қисқа муддатли амалий ўкув машғулотларини ташкил этиш бүйича режа ишлаб чиқсан;

бир ой муддатда томорқа ерларида ки-чик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бүйича намунавий технологик хариталарни, парранда, куён, қўй ва эчки, асалари уялари, интенсив усулда балиқ боқиши, шунингдек, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш бўйича технологик тавсияларни ишлаб чиқсан ва ушбу йўналишларда интернет тармоғи орқали онлайн маслаҳат бериб борилишини йўлга қўйсин. Тижорат банклари кредитни расмийлаштириш жараёнида қарз олувчиларнинг ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш ва кредитни қайтариш муддатларини белгилашда технологик харита ва тавсияларни инобатга олсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Б.Т.Норқобилов), "Ўзбекчорванасл" агентлиги (Б.Т.Атамуратов), "Паррандасаноат" уюшмаси (Б.И.Исаев) билан биргалиқда бир ой муддатда ҳар бир туманда ветеринария хизматларини кўрсатиш ва озуқа-ем тарқатиш, аҳолини ўқитиш марказларини ташкил этсин;

в) Бош прокуратура (Ш.Ж.Рахимов), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э.Бурханов), Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабов) мазкур қарор доирасида ажратилаётган маблағларнинг очиқлик ва ошкоралик тамойили асосида мақсадли ажратилиши ва сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер әгалари кенгаши билан биргалиқда "Ўзбекистон 24" ва "Маҳалла"

телеканалларида томорқа хўжаликларида очиқ ва ёпиқ усулда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасида аҳолининг билим ва кўнималарини оширишга қаратилган телекўрсатувлар намойиш этилишини тизимли ташкил этсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер әгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргалиқда ҳар бир худудда очиқ ва ёпиқ усулда сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳамда уларнинг экспортини ривожлантириш мақсадида оиласи тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳалар сонини кўпайтириш учун маҳаллаларда тақдимотлар ва семинарлар ўтказилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига З-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер әгалари кенгаши Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда қонунчилик хўжжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритисин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер әгалари кенгаши Раиси А.А.Хайтов, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринbosари С.М.Холхўжаев, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Х.М.Каримов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Ш.М.Фаниев ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 16 декабрь



МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК АГРАР УНИВЕРСИТЕТ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРМОҚДА

Ўзбекистонда аграр сектор учун малакали мутахассисларни тайёрлаш билан қатор олий таълим муассасалари шуғулланади, шу жумладан, Тошкент давлат аграр университети (ТошДАУ) улар орасида етакчи олийгоҳлардан ҳисобланади.

Бугунги кунда қарийб 11 минг талаба таҳсил олаётган Марказий Осиёнинг энг йирик аграр университети – ТошДАУ ҳудуди тахминан 30 гектар майдонни ташкил этади. Бу ерда 8 та ётоқхона, ўқув, лаборатория ва маъмурият бинолари, ошхона ҳамда йирик спорт мажмуаси мавжуд.

Жорий йилнинг октябрь бошидан бошлаб, ТошДАУ даги ўқув-таълим, ижтимоий-иктисодий ва маъмурий жараёнларни такомиллаштириш ишларига маҳаллий ва ҳорижий эксперталар таклиф этилган бўлиб, уларнинг олдига таълимнинг барча жараёнларини тўлиқ оптималлаштириш вазифаси юклатилди.

Мутахассислар томонидан соҳани ривожлантириш юзасидан талабаларнинг амалиётларини етакчи агрокорхоналарда ва илмий-тадқиқот марказларида ўтash тизими йўлга қўйилади, талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳорижда малака оширишига ҳамда таълим соҳасида замонавий ёндашувларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиди. Университет ўзини-ўзи бошқариш ва молиялаштириш тизимига ўтади, шунингдек, таълим сифатини текшириш жараёнини ривожлантириш, университетнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича аниқ стратегиялар ишлаб чиқилади.

Йирик агрокластерлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, улар дастлабки босқичда 4 та долзарб мавзу бўйича маҳорат дарсларида иштирок этади.

Вазирлик тизимидағи 5 та олий таълим муассасалари, 13 та илмий-тадқиқот институтлари ҳамда 18 та техникумларнинг ўқув ва илмий адабиётларини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги ягона электрон маълумотлар базасига бирлаштириш

ВАЗИРЛИК
ТИЗИМИДАГИ
5 ТА ОЛИЙ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ,
13 ТА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУЛARI ҲАМДА
18 ТА ТЕХНИКУМЛАРНИНГ
ҮҚУВ ВА ИЛМИЙ
АДАБИЁТЛАРИНИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ЯГОНА ЭЛЕКТРОН
МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА
БИРЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
РАҚАМЛИ “АХБОРОТ-
РЕСУРС МАРКАЗИ”НИНГ
ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ
ЧИҚИЛДИ.

бўйича рақамли “Ахборот-ресурс маркази”нинг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўқув жараёнига рақамли технологияларни фаол татбиқ этиш мақсадида муассасасининг бир нечта маъруза залларига интерактив электрон минбарлар, замонавий ЛЕД-мониторлар ўрнатилди.

Университет биноларидаги 52 та ўқув аудиториялари ва 3 та илмий лабораториялар ҳолати техник эксперталар томонидан таҳдил қилинди. Таҳдил натижаларига кўра, Жаҳон банки ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги доирасида амалга ошириладиган қиймати 2 миллион долларига тенг “марказлашган модуль лабораториялар” лойиҳаси амалиётга татбиқ этиш учун тайёрланмоқда. Мазкур лабораториялар профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув жараёни чоғида фойдаланиши ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорларга амалий хизмат кўрсатиши учун мўлжалланган.

Жорий йил якунига қадар қиймати 2,6 миллион долларга тенг бўлган замонавий “Экофизиологик тадқиқотлар” илмий лабораторияси фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар 2 миллион долларга тенг бўлган лаборатория жиҳозлари олиб келинди.

Инфратузилма ва коммунал шароитларни яхшилаш борасида ТошДАУнинг ўқув, маъмурият бинолари ҳамда талабалар тураг жойларини узлуксиз иситиш ва иссиқ сувни таъминлаш учун 7 та замонавий қозонхона ва 4 та ероғистидан сув чиқариш иншоотини қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, тегишли экспертизадан ўтказилди ва қурилиш ишларини бошлашга фаол равищда тайёргарлик кўрилмоқда.

Йил охирига қадар талабалар тураг жойларида қўшимча 400 ўринни яратиш режалаштирилган. Кейинги ўқув йилигача, фойдаланишдан чиқсан бинолар ўрнида 800 ўринга мўлжалланган замонавий 2 та талабалар тураг жойларини қуриш кўзда тутилган.

– Булар фақат яқин келажақдагина ТошДАУни кутаётган дастлабки ўзгаришлар холос, – деди қишлоқ хўжалиги вазири ва ТошДАУ ректори Жамшид Хўжаев. – Олийгоҳда бошланган ислоҳотлар ва янгиликлар талабалар ҳамда педагогларнинг ўқув жараёнига бўлган қизиқишини оширишига, ва албатта, таълим сифати даражасига ўз таъсирини ўтказишига ишонамиз. Буларнинг барчаси илм-фан ва технологиялар асосида, ер ва сув ресурсларидан оқилона ҳамда самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришдан манбаатдор бўлган аграр соҳанинг янги мутахассислари пайдо бўлиши учун асос бўлиши зарур. Бу аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳақиқатан ҳам муҳим ва керакли бўлган масаладир.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎзА мухбери

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ — ДАВР ТАЛАБИ



Шавкат Хамраев,
Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш, бу борада ер эгалари ва сув истеъмолчиларини рағбатлантириш механизмини кенгайтириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларини бошқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини янада оптималлаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев
“Янги Ўзбекистон Стратегияси” китобидан

2021 йилнинг баҳорида ёғингарчиликнинг кам бўлгани, ёз чилласининг ўта иссиқ келиши, сув ресурслари ҳар йилгидан 25-30 фоизга танқис бўлишига қарамасдан сувчиларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига истеъмолчиларга йил давомида 44 млрд.м³, суғориш мавсумида 32,6 млрд.м³ сув етказиб берилди.

Сув танқислигини юмшатиш мақсадида тик қудуқларга 100 дона насос ҳамда коллектор тармоқларига 1172 дона дизель насоси ўрнатилиб, ер остидан 395 млн. м³ ва зовурлардан 784 млн. м³ сув олинди. Бунинг натижасида сув таъминоти оғир бўлган 352 минг гектар майдонга керакли миқдорда сув етказиб берилди.

Йил давомида сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация-мелиорация ишлари, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан 10 млрд. м³, шу жумладан суғориш мавсумида 8 млрд. м³ сув иқтисод қилинди.

Прогнозларга кўра, глобал иқлим таъсирида минтақамизда сув ресурслари камайиб бораверади, аҳоли сонининг ортиши ва саноатнинг ривожланиши ҳисобига сувга талаб йилдан йилга ортади. Мана шундай шароитда сув танқислигини юмшатишнинг ягона ечими сувни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Шу боис, Ўзбекистон сув тақчиллигини камайтириш учун сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва сувни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида Марказий Осиё давлатлари орасида ташаббускор бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йилда сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонини 5 баробарга кўпайтириш ва 430 минг гектарга етказиш, сувни тежаш ҳисобидан 90 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш вазифасини қўйган эдилар. Ушбу вазифалар ижроси тўлиқ таъминланди. 516,6 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, жумладан, 198,9 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш, 11,2 минг гектар майдонда ёмғирлатиб, 5,9 минг гектар майдонда дискрем суғориш тизими жорий қилинди, 78,8 минг гектар кўчма эгилувчан қувур орқали ва 20,9 минг гектар эгатга плёнка тўшашиб усулида суғорилди, 200,9 минг гектар экин майдони лазер ускунаси ёрдамида текисланди. Томчилатиб суғориш технологияси

жорий қилинган 93,7 минг гектар пахта майдони учун Давлат бюджетидан 751,4 млрд. сўм субсидия маблағи ажратилди. Айнан сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобига мавсум давомида 2,4 млрд. м³ сув тежалишига эришилди.

Сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларида Давлат бюджетидан 4440,8 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, шундан, 789,2 млрд. сўми иш ҳақи ва ажратмаларга, 3651,6 млрд. сўми бошқа харажатларга (электр энергияси учун 3 131,8 млрд. сўм) йўналтирилди. Эксплуатация харажатлари ҳисобидан 5 минг 459 км магистрал ва хўжаликларо суғориш тармоқларида таъмирлаш ва тозалаш ишлари бажарилди, улардаги 5 минг 839 та гидротехник иншоот ва 5 минг 818 та гидропост таъмирланди.

185 та насос ва 237 та электродвигатель энергия тежамкор бўлган янгисига алмаштирилди, 2 522 та насос агрегати ва 1 198 та суғориш қудуғи таъмирланди. Шунингдек, энергия тежамкорликка катта эътибор қаратилиши туфайли 2021 йилда 7 млрд. 295 млн. кВт. соат электр энергияси сарфланди. Охирги уч йилликда (2018-2020 йиллар) ўртacha электр энергияси сарфи 7 млрд. 525 млн. кВт. соатни ташкил этганини ҳисобга олсак, 2021 йилда 230 млн. кВт. соат электр энергияси тежалди.

Марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган 171 та ирригация лойиҳаси доирасида 755,0 млрд. сўм маблағ йўналтирилиб, 340,9 км канал, 137,9 км лоток тармоғи, 16,5 км босимли қувур, 27 та гидротехника иншооти, умумий қуввати 16,5 м³/сек насос станциялар, 62 та суғориш қудуғи қурилди ва реконструкция қилинди. Бу ишлар самараси ўлароқ, 301 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланди.

Мелиорация объектлари бўйича 85 та лойиҳа доирасида 299,1 млрд. сўм маблағ йўналтирилиб, 699,9 км коллектор-дренаж тармоғи, 50 та гидротехника иншооти, 17 та дренаж қудуғи ҳамда 10 та кўпrik қурилди ва реконструкция қилинди.

Шунингдек, 220 та мелиорация лойиҳаси доирасида 365,2 млрд. сўм маблағ йўналтирилиб, 17,0 минг км.га яқин коллектор-дренаж тармоғи ва 319 та тик дренаж қудуғи таъмирланди ва тикланди. Натижада 200,0 минг гектардан ортиқ майдоннинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди, кучли ва ўрта ўрланган майдонлар 20,0 минг гектарга камайди, сизот сувлари сатҳи 2 метргача бўлган

майдон 48,1 минг гектарга қисқарди, 16,1 минг гектар ернинг мелиоратив барқарорлиги таъминланди, 100 минг гектарга яқин ер майдони қайта фойдаланишга киритилди.

Сув хўжалигида янги йўналиш – давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш, тежалган маблағларни сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ҳамда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. 2021 йилда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича қиймати 1 216 млрд. сўм бўлган 100 та лойиҳа юзасидан битимлар имзоланди ва реестрга киритилди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Қуий Чирчиқ туманидаги ирригация-мелиорация объектлари “TCT Agro Claster” МЧЖга ҳамда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги ирригация-мелиорация объектлари, насос станциялар “Maroqand sifat” МЧЖга тўлиқ давлат-хусусий шериклик асосида берилиди.

Ушбу лойиҳалар доирасида хусусий шериклар томонидан дастлабки 3 йилда 112,3 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилиши ва 152,9 млрд. сўм бюджет маблағи иқтисод қилинишига эришилади.

Соҳадаги устувор йўналишлардан яна бири – сув хўжалигини рақамлаштиришdir. 2021 йилда сув хўжалиги объектларида 5 567 та замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, 3 099 та “Ақлли сув”, 426 та насос станциясига сув миқдорини ва 2 022 та мелиоратив кузатув қудуғига сизот сувлари кўрсаткичлари ва ерларнинг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилди ҳамда 20 та сув хўжалиги обьекти автоматлаштирилди. Натижада 771,0 млн. м³ сув тежалишига эришилди.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги “Миришкор” ва “Қамаши” каналларида бошқарув жараёнлари Австралия давлатининг “Rubicon water” компанияси технологиялари асосида тўлиқ автоматлаштирилди.

Бу ишлар натижасида сув хўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш, унинг ҳисобини юритиш, вилоят ва туман чегарасида етказиб берилаётган сув ресурсларини онлайн кузатиб бориши ҳамда сувнинг ҳисоб-китобини аниқ юритишга эришилди. Сувни бошқариш жараёнларида инсон омилини камайтириш, сувни техник йўқотишларнинг олдини олиш, сувдан белгиланган лимит асосида шаффофф ва

адолатли фойдаланиш йўлга қўйилди.

1688 та насос станцияларга 2173 та автоматлаштирилган электр ўлчов асбоблари ўрнатилди вареспублика бўйичаягона электрон ахборот тизимида интеграция қилинди ҳамда электр энергия сарфини “онлайн” назорат қилиш имконияти яратилди.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган оқилона сиёsat натижасида сўнгги йилларда Қозогистон, Тожикистон ва Туркманистон билан сув хўжалиги масалалари бўйича ишчи гурӯҳлар тузилгани трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ кўплаб масалаларни самарали ҳал этиш имконини бераяпти. Натижада қўшни давлатлар билан сувдан фойдаланиш соҳасидаги икки томонлама шартнома ва келишувлар янгиланмоқда.

Жумладан, 2021 йил 11 март куни 2021-2023 йиллар вегетация даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сув етказиб беришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Қирғизистон Республикасининг Энергетика ва саноат вазирлиги ўртасида ўзаро электр энергиясини етказиб бериш бўйича баённома имзоланди.

2021 йил 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қозогистон Республикаси Экология, геология ва табиий ресурслар вазирлиги ҳамда Тожикистон Энергетика ва сув ресурслари вазирлиги ўртасида “Бахри тоҷик” сув омборини 2021 йил июнь-август ойларида ишлатиш бўйича уч томонлама баённома имзоланди ва 2021 йил вегетация даврини муваффақиятли ўтказишга эришилди.

Халқаро молия институтлари ва хорижий хукумат молия ташкилотларининг давлат кафолати остида жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 5 та инвестиция лойиҳаси доирасида 136,2 млн. доллар ўзлаштирилди. Бунинг натижасида 2021 йил якунига келиб жами 554,5 км канал ва улардаги 353 та гидротехник иншоот реконструкция қилинди, 92 та вертикал суғориш қудуги бурғиланди. Лойиҳалар худудида 800 млн. сўм эксплуатация маблағлари иқтисод қилинишига, ирригация тизими каналларининг фойдали иш коэффициенти 15 фоизга ошишига, 80 млн. м³ сув тежалишига эришилди.

Россия Федерациясининг Давлат тараққиёт корпорацияси “ВЭБ.РФ” билан олиб борилган музокаралар натижасида “Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 95 та насос станцияларни

модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида келишувга эришилиб, 146 млн. евролик кредит шартномаси имзоланди.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш узвийлиги доимий эътибордаги масала ҳисобланади.

Соҳадаги илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари томонидан жами 32 та мавзу бўйича 8,1 млрд. сўмлик илмий-тадқиқот лойиҳалари, шундан давлат илмий-техник дастурлари доирасида 9 та амалий ва инновацион фундаментал ҳамда 23 та илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилди. Сув ресурсларни бошқариш, сувни тежайдиган технологиялар, суғориш тармоқлари ва гидротехника иншоотларини таъмирлаш ўйналишларида 35 тадан ортиқ тавсиянома ва ўйриқномалар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди ҳамда худудларда 10 дан ортиқ илмий-тадқиқот полигонлари ташкил этилди.

Олиб борилган илмий-амалий, фундаментал тадқиқотлар натижаларининг соҳада татбиқ қилиниши сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда истеъмолчилар орасидаги тақсимот даражасини 15-20 фоиз, насос станцияларининг иш самарадорлигини 15-20 фоиз оширишга ва электр энергияси сарфини 3-5 фоизгача иқтисод қилишга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини 30 фоизгача оширишга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг сув ва бошқа моддий-техник ресурсларни 20 фоизгача тежашига имкон яратди.

Вазирлик ҳузуридаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг 6 нафар тадқиқотчилари техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 1 нафар фан доктори (DSc) диссертация ишларини ҳимоя қилиб, илмий даражага эга бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 апрелдаги 191-сонли қарори билан институттинг Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё минтақавий марказлари ташкил этилди.

Тошкентирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида “Сув тежамкор суғориш технологиялари” бўйича магистратура мутахassisлиги ва “Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш” бакалавр таълим ўйналишлари ташкил этилди.

Сув хўжалиги вазирлиги тасаррufидаги коллежларда “Сув тежовчи суғориш тизимларига хизмат кўрсатиш техники” касби бўйича янги ўйналиш ташкил этилиб, 2021/2022 ўқув йилидан техник мутахassisлар тайёрлаш йўлга қўйилди.



Сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи ташкилотларнинг олий маълумотли мутахассис кадрлар билан таъминланганлик даражаси 45 фоиздан 47 фоизга етказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 мартағи 150-сон қарори билан ташкил этилган малака ошириш курсларида 2 046 нафар раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малакаси оширилди.

2021 йилда "Сув ва сувдан фойдаланиш түғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун, муҳтарам Президентимизнинг соҳага доир 1 та Фармон ва 8 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 17 та қарори қабул қилинди. Мазкур хужжатлар билан Сув хўжалиги вазирлиги сув балансини шакллантиришбўйичаваколатли давлаторгани этиб белгиланди, томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет усулда сугориш каби сувни тежайдиган сугориш технологиялари қўлланилганда тизимни сифатлигидан келиб чиқиб, тўланадиган субсидия миқдорига гектарига 11 млн. сўмгача, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида базавий миқдори 12 млн. сўмгача оширилди, истеъмолчилар томонидан сув ўлчаш ускуналари мавжуд бўлганда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини 0,7 коэффициентда қўллаш ва бошқа имтиёзлар жорий этилди. Бу ўз ўрнида, Президентимиз ва хукуматимизнинг сув хўжалиги соҳасига бўлган эътибори ҳамда халқимиз учун ғамхўрлигининг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш учун 2022 йилда вазирлик олдида қатор муҳим ишлар турибди.

478 минг гектарда сувни тежайдиган технологиялар, жумладан, 230 минг гектарда томчилатиб, 28 минг гектарда ёмғирлатиб, 2 минг гектарда дискрет усулда сугориш технологияси жорий қилинади ҳамда 218 минг гектар майдон лазерли текисланади.

Иrrigation-meliioration объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 1 194,6 млрд. сўм, мелиорация объектларини таъмирлаш ва тиклаш учун 383,5 млрд. сўм ўзлаштирилиб, 308 минг гектар ер майдонининг сув таъминоти ва 171 минг гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланади, 50 минг гектар ер майдони қайта фойдаланишга киритилади.

6610 та сув хўжалиги обьектида замонавий рақамли технологиялар ўрнатилади ҳамда етказиб берилаётган сув ресурсларини онлайн кузатиб бориши, сувнинг ҳисоб-китобини аниқ ва шаффоғ юритиш имкониятлари янада кенгайтирилади.

Сувчиларимиз бир ёқадан бош чиқариб, бир жону бир тан бўлиб, олдимизга қўйилган мэрраларга эришишларига ва ўзларига билдирилган юксак ишончни оқлашларига ишонаман. Янги 2022 йил билан барчани муборакбод этар эканман, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз янада мўлкўл бўлишини тилайман.

АҲОЛИ МАНФААТИ ЙӮЛИДА

Фуқаролар давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари фуқароларга хизмат қилишлари зарур!

Ш.М.Мирзиёев

Журналинизнинг “Худудлар ҳаётидан” рукни орқали мамлакатимиз миқёсида ҳудудлардаги аграр соҳа янгиликлари, кластерлар фаолияти, қишлоқ хўжалигида қўлга кирити-лаётган ютуқлар билан бир қаторда фойдаланилмаётган имкониятлар ҳамда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимиға оид тегишли ташкилот ва идораларнинг масъул ходимлари, жавобгар шахс ва мутахассислар ҳамда аҳоли вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ўз ичига олган таҳлилий ва танқидий мақолаларни мунтазам бериб боришга ҳаракат қиласиз. Дастлабки, ташрифимиз Тошкент вилоятининг Чиноз туманига бўлди. Бу туман наинки, республикамиизда донг таратган, аллақачон унинг донғи қўшини давлатларга ҳам етиб борган, десак, муболаға бўлмайди. Бунда донгдор механизатор, икки марта Мөхнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, турли даврларда туманни бошқарган қатор раҳбарлар, тумандада истиқомат қилиб келаётган кўплаб меҳнатсевар одамлар, камтарин, қўли қадоқ дехқон-у чорвадорлар, фидойи ватандошларимизнинг ҳиссаси бениҳоя катта, албатта.

... Шундай қилиб белгиланган қуни ижодий гуруҳимиз билан бирга тонг отар-отмас, ҳали қуёш нурлари чиқиб улгурмай Чиноз томон иўл олдик. Тошкентдан Чинозга олиб борадиган автомобиль йўли равон ва текис бўлганлиги сабабли енгил машинамиз “учиб” кетгудек тез юрап, қўз олдимиздан бир пахта далалари, бир аскарлар каби саф тортган теракзорлар ўтиб борарди. Шундан бўлса керак, манзилга “бир зумда” етиб келдик. Ишини туман ҳокими билан суҳбатлашишдан бошлишни режалаштириб қўйганлигимиз боис, машинани туман ҳокимияти биносига кираверишда тўхтатдик. Туман ҳокимлигининг қабулхона котибаси бизни келганлигимиз ҳақида хабар бериш учун ҳокимнинг олдига кириб кетди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас ичкаридан чиқиб келган туман раҳбари Ботир Алимбеков биз билан салом-алик қиласар экан, хонасига таклиф қилди. Суҳбат чоғида ҳоким ҳар бир иш қунини дала ва ташкилотлар, ўқув ва тиббиёт муассасаларини айланишдан, тумандаги вазиятни ўрганишдан бошлишини англалидик.



Ботир Алимбеков асли Зангиоталик бўлиб, 1978 йил 20 январда туғилган. У мактабни тамомлаганидан сўнг Тошкент давлат аграр университетида таҳсил олиб, 1999 йилда олий маълумотлга эга бўлди. Меҳнат фаолиятини шу йил Тошкент вилоятининг Паркент тумани «Сардор» қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси муҳандиси сифатида бошлар экан, ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, киришимлилиги, одамохунлиги билан жамоа ва раҳбариятнинг назаригатушди. Кейинчалик, у меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар «Дўстлик» қўшма корхонаси, Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасида давом эттириди. Тошкент вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» худудий акциядорлик жамиятида таъминот бўлими мутахассиси лавозимидан бошлар экан, турли погоналарни босиб ўтиб, мазкур жамият бошқаруви раиси даражасигача кўтарилди. Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, «Тошкентагрокимёҳимоя» худудий акциядорлик жамияти директори, Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринbosari лавозимларида самарали меҳнат қилди.

2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлади. Айни пайтда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгashi депутати.

— МАҚСАДИМИЗ — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ЯШАШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮҚСАЛТИРИШДАН ИБОРАТ,

— дейди у. Суҳбатимиз давом этар экан, биз Ботир Боходировичдан 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалигидага амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтишини сўрадик...

— Жорий йил Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ёшларни кўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан қишлоқ хўжалигига ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида туманда ҳар бир сектор раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йигини томонидан ишсиз ёшлар рўйхати шакллантирилиб, деҳқончилик қилиш истагини билдирган вақтингча ишсиз ёшларнинг 100 нафарига 0,50 гектардан, 526 нафарига 0,25 гектардан, жами 626 нафар вақтингча ишсиз ёшларга 14 та фермер хўжалиги ва “АПК Чиноз” УК пахтачилик кластери томонидан 181,50 гектар ер майдонлари ажратилди. Бундан ташқари, туманда ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида ер олиб деҳқончилик қилиш истагини билдирган 11103 нафар ишсиз фуқароларнинг ҳар бирига 0,25 гектардан 2776 гектар ер майдони мавсумий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш учун ажратиб берилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Туронбанк” АТБ Марказий амалиёт бошқармаси ҳалқаро молия институтларининг молиялаштириш ҳисобига лимончилик соҳасини ривожлантириш бўйича берган таклифига мувофиқ, “Охунбобоев” худудидан жами 66 та лойиҳа доирасида лимон этиштириладиган замонавий иссиқхоналар қуриш учун талабгор лойиҳа ташаббускорларининг ҳар бирига камида 0,50 гектардан, туман захирасида бўлган жами 49,36 гектар ер майдони 30 йил муддатта ижарага берилди. Бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги қарорига асосан “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида ташкил этилган “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига туманда янги механизм асосида боғ барпо этиш ва аҳоли учун қўшимча иқтисодий имкониятларни яратиш мақсадида (ҳар бир кишига бир гектардан) бўлиб тўлаш шарти билан сотиш учун туманнинг “Т.Эрназаров” худудидан, жами 38,96 гектар ер майдони ажратиб берилди.

— Маълумки, пахта ва ғалла экинлари давлатимиз иқтисодиётининг асосини, аниқроқ айтадиган бўлсақ, пойдеворини ташкил этади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқ ва фойдаланилмаган имкониятлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— “АПК Чиноз” УК кластери томонидан 2020 йил 6200 гектар майдонга чигит экилиб, шартномавий режа бўйича 20100 тонна ўрнига 21576,6 тонна (1976 тонна ортиқ) пахта хомашёси этиштирилиб, режа 107,3% га бажарилди. Топширилган ҳосилнинг 96 % 1-навга 97 млрд 566 млн. сўмга сотилди, шундан 10 млрд 700 млн сўмлик соғ фойда кўрилиб, 8,1 % рентабелликка эришилди. 2021 йил пахта ҳосили учун 6200 гектар майдонга чигит экилди, шундан, 2091 гектари “АПК Чиноз” У/К пахтачилик кластери, 4110 гектари 76 та фермер хўжаликлари томонидан амалга оширилди. Туманнинг пахта сотиш контрактация шартномаси 21700 тоннани ташкил этади. Этиштирилган пахта ҳосилнинг 4200 гектари қўлда, 2000 гектари техника орқали териб олинди. Пахта теримини ташкил этиш учун 13 та юқори унумли пахта териш комбайнидан иборат 156 та отряд шакллантирилиб, ҳар бир отрядга ўртacha 27 гектардан пахта майдони бириттирилди. Қўлда терилиган пахта хомашёсининг ҳар бир килограмми учун 1430 сўмдан тўлов амалга оширилди.

Ғалла ҳақида сўз юритадиган бўлсақ, 2021 йилда 7800 гектар майдонга бошоқли дон экилиб, жами 62000 тонна дон ишлаб чиқарилди (2020 йилга нисбатан 12688 тонна ортиқ), шундан 20527 тонна давлатга дон сотиш контрактация шартномаси, 6485 тонна ғаллачилик кластери билан тузилган шартномалар тўлиқ бажарилди. Ишлаб чиқарышдан қолган 34988 тонна ғалла фермер хўжалиги аъзоларига ҳамда кам таъминланган оиласаларга тарқатилди.

Бундан ташқари, 2021 йилда 2430 кути ипак қурти парваришилаш учун тарқатилиб, 136 тонна этиб белгиланган пилла етишириш режаси ҳам тўлиқ бажарилди. Бунда фермер хўжаликлари томонидан 90,2 тонна ёки 66,4%, “АПК Чиноз” кластер корхонаси томонидан 34 тонна ёки 25%, касаначилар томонидан 11,7 тонна етиширилди ёки 8,6%ни ташкил этади. Бунинг аҳоли дастурхони тўкин-сочинлигига, албатта хизмат қилиши шубҳасиз.

— Чорвачилик йўналишида амалга оширилаётган ишларга тўхтальсангиз...

— Туманимизда азалдан чорвачиликка катта эътибор бериб келинган. Ҳозирда 24 та чорвачилик фермер хўжаликлирида қорамоллар бош сони 5 минг 598 бошни, шужумладан, сигирлар сони 1 минг 759 бошни ташкил этади. Бундан ташқари, фермер хўжаликлирида 318 бош кўй ва эчкилар, 122 бош отлар боқилмоқда. Жорий йилда чорва ҳайвонларининг наслини яхшилаш ва бош сонини ошириш, аҳолини сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, қорамолчилик йўналишида 8 та, жами 51 610 млн (шундан банк кредити 36,415 млн) сўмлик, 1 та қўйчилик йўналишида, жами 2 300 млн (шундан банк кредити 1 800 млн) сўмлик лойиҳаларни амалга ошириб 2132 бош насли қорамол ва 1000 бош насли кўйлар олиб келиниши кўзда тутилган. Амалда 4 та фермер хўжаликлири томонидан Қозоғистон, Эстония, Словакия, Чехия давлатларидан 12 млрд 262 млн сўмга 1507 бош насли қорамол, 1 та фермер хўжалиги томонидан Россия, Туркманистан давлатларидан 900 млн сўмга 108 бош насли от олиб келинди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2020 йилда четдан насли моллар олиб келган “Дил гиё файз барака” чорвачилик фермер хўжалигига 390 бошга 780 млн сўм, “Юлдуз” чорвачилик фермер хўжалигига 200 бошга 400 млн сўм, “Хамкор маҳсус сервис” МЧЖ корхонасига 200 бошга 400 млн сўм, “Оловуддин” чорвачилик фермер хўжалигига 66 бошга 132 млн сўм, Паррандачилик лойиҳаси бўйича “Чиккен инвест” МЧЖ корхонасига 7020 бош 1 кунлик жўжага 63 млн 180 минг сўм, жами 5 та лойиҳага 1 млрд 775 млн 180 минг сўм миқдорида субсидия маблағлари ажратилган. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2021 йил 3 мартағи “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-куватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, 2021 йил 1 июндан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган: чорвачилик хўжаликлари — ўз хўжаликлирида етиширилиб, гўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шоҳли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограмми учун 2 000 сўм ҳамда сутининг бир литри учун 200 сўм; паррандачилик хўжаликлари — ўз хўжаликлирида етиширилиб, реализация қилинган тухумнинг ҳар

бир донаси учун 50 сўм ҳамда парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 1 000 сўм; балиқчилик хўжаликларига — интенсив усула етиширилган совук сув балиқлари (лосос, форель ва осётр)нинг ҳар бир килограмми учун 3000 сўм, қолган турдаги балиқлар учун 1000 сўм миқдорида республика бюджетидан субсидия ажратилиши белгилаб кўйилган. Ушбу қарорни ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда туманга четдан насли моллар олиб келган “Юлдуз” чорвачилик фермер хўжалигига 82 бош насли қорамол учун давлат томонидан 164 млн сўм субсидия ажратилди. “БИО МИЛК МАКС” МЧЖ томонидан Чехия давлатидан келтирилган Семинтал, Гольштейн зотли 48 бош насли молга субсидия олиш учун хужжатлар тақдим этилган. Фермер хўжаликлири томонидан гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилда 424,1 тонна бўлиб, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг сентябрь ойига қадар 241,5 тонна ёки 80,4%, сут ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилда 17444,3 тонна бўлиб, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг сентябрь ойига қадар 15 634 тонна ёки 88,4 %ни ташкил этди. Чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда 1 529 гектар майдонга озуқабоп экинлар экилган. Туманда паррандачилик йўналишида 8 та фермер хўжаликлири мавжуд бўлиб, шундан тухум йўналишидаги 4 та хўжалик томонидан 77 000 бош товуқ, гўшт йўналишидаги 4 та хўжалик томонидан 31 020 бош парранда саноат усулида боқиб келинмоқда. Тухум йўналишида “Люкс голден парранда” МЧЖда 2 000 бош, “Бонивур” ф/ҳда 25 000 бош, “Мухсина Мухлиса” МЧЖда 30 000 бош, “Фозил” ф/ҳда 20 000 бош насли товуқ, гўшт йўналишида: “Марриот инвест” МЧЖда 7 500 бош, “Чиккен инвест” МЧЖда 7 020 бош Венгрия давлатидан келтирилган, “Чиноз мусафро парранда” МЧЖда 12 500 бош, “Мустақим сифат бизнес” МЧЖда 4 000 бош парранда парвариш қилинмоқда. Шунинг билан бирга, 2021 йилда туманимизда 179 та қишлоқ хўжалиги лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 283 млрд 677 млн сўмни (шундан 54,2 млн сўм ўз маблағи, 124,7 млн сўм банк кредити, 104,7 млн сўм халқаро молия институтлари маблағлари) ташкил этади, ушбу лойиҳаларнинг ишга тушиши ҳисобига 1 151 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Жорий йилнинг 9 ой давомида 202 млрд 251 млн сўмлик 123 та лойиҳа ишга туширилди ва 768 та янги иш ўринлари яратилди. Ушбу ишларнинг янада юксалишига, Юртбошимизнинг жорий йил бошида Чиноз туманига қилган ташрифи янги куч бағишлиди, десак муболаға бўлмайди, албатта.

— Қишлоқ хўжалиги ривожида сув таъминотининг ўрни беқиёсdir. Шундан келиб чиқиб, туманда сув таъминотининг аҳволи ҳақидаги фикрингиз.

— Дарҳақиқат, сув — бу ҳаёт манбаидир. Шунинг учун деҳқон ва фермерларимиз ҳар бир томчи сувдан унумли фойдаланишга, бу борада



янги технологияларни татбиқ этишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бугунги кунда туманда 151,2 км узунликдаги хўжаликларо канал, 563 км узунликдаги ички суғориш тармоқлари ва 7 та давлат насос станциялари қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ва 460 км очик зовурлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун хизмат қилиб келмоқда. Афуски, сув захираларимиз йилдан-йилга камайиб бормоқда. 2021 йилда ҳам суғориш учун тумангамеъёрбўйича 208 млн метр/куб сув берилиши керак бўлсада, амалда 155,1 млн метр/куб сув, яъни режага нисбатан 52,1 млн метр/куб (25 %) сув кам берилди. Ушбу муаммони юмшатиш мақсадида жорий йилда туманда 11 та фермер хўжаликлари томонидан 600 гектар, "АПК Чиноз" У/К кластери томонидан 150 гектар, жами 750 гектар майдонга сув тежовчи технологиялар жорий этиш, 500 гектар майдонда дискрет (эгилувчан қувур) усулда суғориш ишлари, 1000 гектар суғориладиган ер майдонларида лазер усқунали текислагичлар билан текисланиб суғорилиши ҳисобига 17 млн метр куб, ирригация ва агротехник тадбирлар ҳисобига 24,7 млн метр куб, ерларни текислаш ҳисобига 2,3 млн метр куб коллектор ва еости сувларидан фойдаланиш ҳисобига 8,1 млн метр куб (жами 52,1 млн метр куб) сув иқтисод қилинди. Жорий йилда туманда 460,23 гектар фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ер майдонларига сув тежовчи технологииларни жорий қилиш ҳисобига қайта фойдаланишга киритиб, пахта хомашёси етиширилганлиги дехқонларимиз эришган ютуқлардан биридир.

— Суҳбатимиз Янги, 2022 йил арафасида бўлиб ўтаётганлиги муносабати билан журналишим муштарийларига тилакларингиз.

— Янги 2022 йил барчамизнинг зиммамизга

янги вазифалар қўйиши, шубҳасиз. Шундай экан, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, бор куч-ғайратимизни сафарбар этиб ҳаракат қилишимиз талаб этилади. Ишончим комилки, журнал ӯқувчилари ҳам бу ишлардан четда қолмайдилар. Уларга тинчлик-осойишталиқ, сиҳат-саломатлик, оиласиб баҳт, дастурхонлари доимо тўкин-сочин бўлишини тилаб қоламан.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун муҳлислар номидан самимий миннатдорчилик билдирамиз, Сизга ва оила аъзоларингизга соғлик-омонлик ва Янги йилда барча эзгу умидларингиз рўёбга чиқишини тилаймиз. Жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги ишларингизда омад доим ёр бўлсин!**

Изоҳ: Суҳбат давомида туман ҳокими нафақат бизни кўпроқ қизиқтирган қишлоқ хўжалиги соҳаси, балки маънавият ва маърифат, спорт ва соғлиқни сақлаш, таълим ва тарбия соҳаларини ҳам диққат марказида ушлаб туриши, барча йўналишдаги масалалардан хабардор эканлиги, туманда аҳоли яшashi ва улар бандлигини таъминлаши каби бошқа кўплаб эътиборга лойиҳ ижобий ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Туман раҳбари билан ҳайрлашар эканмиз, унга ўз олдига қўйган улкан мақсадларга эришишига самимий тилакдош эканлигимизни билдиридик.

Сирожиддин ТОШНИЁЗ ўғли
суҳбатлашиди

Суратларда: Чиноз тумани ҳокими
Б. Алимбеков;
туман ҳокими аҳоли даврасида

АГРОСАНОАТ СЕКТОРИДА РАҚАМЛАШТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдулла Мадалиев,
иқтисодиёт фанлари доктори,
Тошкент давлат аграр университети



Мамлакатда рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича муайян ишларга қўл урилмоқда. 2018 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чоратадбирларитўғрисида”ги ПҚ-3832-сонлиқарори қабул қилинган. Қарорда “Иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чоратадбирлар кўрилмоқда, электрон ҳужжат айланиш тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-хукуқий база такомиллаштирилмоқда.

Ахборот-технологик платформаларда фаолият кўрсатадиган рақамли иқтисодиёт жадал ривожланмоқда, бу эса шундай платформаларнинг янги моделларини яратиш заруратини тақозо этмоқда¹, дейилади.

“Рақамли иқтисодиёт” (digitaleconomy) ибораси илк бор 1995 йилда америкалик олим Массачусетс университети профессори Николас Негропонте томонидан қўлланилган. У сафдошларига “Янги иқтисодиётнинг эскисига нисбатан устунлиги унда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланишида”², деб тушунтиради.

“Рақамлаштириш” ишлаб чиқаришда рақам кўринишидаги маълумотлар таҳлиллари орқали ишлаб чиқаришда илғор технология ва инновациялар ҳамда бошқа тараққийпарвар усуллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Рақамли иқтисодиёт ишлаб чиқариш

фаолияти ва инсон ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Жаҳон банки 2016 йилги “Рақамли дивидендлар” номли ҳисоботида:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- компанияларнинг рақобатдошлигини ошириш;
- ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;
- янги иш ўринлари яратиш;³
- қашшоқлик ва ижтимоий тенгисизликка барҳам бериш каби масалаларни рақамли иқтисодиётни жорий этиш билан боғлади”.

Бугунги кунда Норвегия, Швеция ва Швейцария рақамли иқтисодиёт ривожланаётган лидер мамлакатлар ҳисобланади. Кучли ўнталикка эса АҚШ, Буюк Британия, Дания, Финляндия, Сингапур, Жанубий Корея, Гонконг ва бошқа мамлакатлар киради.⁴

Мамлакатимизда барча чоралар билан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича жадал ишлар амалга оширилмоқда. Айнан “рақамлаштириш” ишлаб чиқаришда рақам кўринишидаги маълумотлар натижаларини таҳлиллари орқали турли кўринишдаги ишлаб чиқаришда илғор технология ва инновациялар ҳамда бошқа тараққийпарвар усуллардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Чукур асосланган, аниқ математик ҳисоб-китобларсиз ишни тўғри ташкил этмасдан, ҳар бир ишни аниқ ҳисобини олиб амалга оширмасдан юқори натижаларга эришиш - ҳақиқатдан йироқ. Бу ишларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонлиқарори.

² <http://fingramota.org/teoriya-finansov/item/2198-chto-takoe-tsifrovya-ekonomika>.

³ <http://fingramota.org/teoriya-finansov/item/2198-chto-takoe-tsifrovya-ekonomika>.

⁴ <http://fingramota.org/teoriya-finansov/item/2198-chto-takoe-tsifrovya-ekonomika>.

ҳам тўлиқ амалга оширишнинг имкони йўқ, чунки унда фаолият юритаётган корхоналар орасида ўзаро боғлиқликдаги аниқ механизм йўқ. Моделнинг математик матрицаларида барча корхоналарнинг маълумотлари акс этган бўлиши керак. Шунинг учун ўзаро интеграцияда ахборот-коммуникацион технологияларнинг тўлақонли маълумотлари шакллантирилиши лозим бўлади.

Агротехник тадбирларни юқори савияда изчил ўзаро боғлиқликда интеграцион ташкил этишда ахборот-коммуникацион технология барча ишларни ўз муддатида аниқ ва пухта амалга оширишни таъминлайди. Бу ҳамкор корхоналарнинг агротехнологик жараёнлардаги фаолиятида тўғри йўналиш ва мўлжал олишда муҳим аҳамият касб этади. Бундай интеграцион ёндашувнинг ўзига хос специфик аҳамияти мавжуд. Яъни, ўзаро келишувчанлик, рационаллик ва аниқ ҳисоб-китоб.

Қатор омилларни ҳисобга олган ҳолда агротехнологик занжирнинг кетма-кетлиқда амалга ошириш лойиҳасини ишлаб чиқиш керак.

Иқтисодий тадқиқот жараёнлари асосида доимий равишда имкониятларнинг янги қирраларини очиб бориш, сарф-харажатларни қисқартириш, илмий йўналишга қаратилган рационал усул ва моделларни ишлаб чиқиш, натижаларни олдиндан прогнозлаштириб, ишни шу асосида ташкил этиб бориш имкониятларини беради.

Математик моделларни ишлаб чиқаришни фаоллаштириш зарур. Бу билан прогнозларнинг ва бошқарувни амалга оширишнинг ганиқлика даражаси ортади. Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:

1. Хўжаликларда агротехнологик жараёнларни оптималлаштиришда ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.
2. АСМнинг эҳтиёжларини тизимли таҳлил қилиш учун дастурий маҳсулот ишлаб чиқишида математик моделлаштириш ва ундан фойдаланиш тамойилларини ривожлантириш.

Бундай дастурий таъминот менежмент илмини тўлалигича ҳаётга татбиқ этиш имконини беради. Чунончи, у, режалаштириш, ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва

назорат қилиш функцияларини ўзида мужассам этади.

Дастурий тизим меҳнат ресурслари бўйича ҳам таҳлилларни йўлга қўйиши, экиннинг вегетация даврида қанча одам/соат ва қанча мото/соатда техникалар ишлашини ойма-ой аниқ ҳисоб-китоб қилиши керак. Бу билан фермер хўжаликларига йилнинг ҳар ойида қанча мутахассис-ходим, қандай техника ва механизмлар кераклиги ойдинлашади. Шу асосда меҳнат ресурслари ва техникадан фойдаланиш даражаси тўғрисида маълумот вужудга келади. Етишмаётган ва ортиқча ресурслар юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

Бу иш билан тумандаги меҳнат билан бандлик бўлимлари амалий жиҳатдан шуғулланиши керак. Уларда ҳар ойда қанча одам иш билан таъминланади, қанча одам ишсиз қолиши мумкинлиги тўғрисидаги тезкор маълумотлар шаклланиб туриши, талаб қилинаётган иш ўринларига ходимларни тақсимлаш лозим. Экиладиган экин ва зарур ишларни меҳнат ресурслари сони асосида оптималлаштириш катта фойда беради. Демак, математик моделга меҳнат ресурслари тўғрисидаги маълумотларни ҳам киритиш – ерларга экинларни жойлаштиришнинг оптимал вариантларини тақдим этади. Техникалар хусусида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Бу орқали меҳнат ва техник ресурслар бўйича талаб ҳамда талабни қондириш даражаси каби маълумотлар келиб чиқади. Маълумотлар асосида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш ва техник таъминот юзасидан зарурый чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Бунда агротехнологик йўналтирилган математик моделлаштиришнинг асосий вазифалари:

- агротехнологик жараёнларни муайян қоидалар асосида амалга ошириш моделини ишлаб чиқиш;
- агротехнологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда, экинларни жойлаштиришни оптималлаштириш.

Бу ишларни амалга ошириш қуйидаги масалаларни ечиш имконини беради:

- агротехнологик ҳолатларни муносиб танлаш;
- этиштирилиши мумкин бўлган ҳосилдорликни етарли даражада муносиб прогнозлаш;



-агротизимни оптималлаштириш билан агротехнологик тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш.

Республикада агротизимни вужудга келтириш билан агросаноат секторининг барча субъектлари ягона агромайдонда умумий мақсадни кўзлаб фаолият юритаётган ташкилотларга айланади. Бу доирада ўзаро интеграцияга киришган субъектларнинг кўрсаткич ва маълумотлари бир-бирига асқатади. Шунинг учун ўрталиқда дастурний тизим ишлаб чиқилиши – жуда долзарб. Дастурний тизим қандай экин экилишига қараб иш графикини таъминлаб беради. График асосида пайдо бўлган вазифаларни ҳамкор корхоналар ўз инон-ихтиёри билан ижро учун қабул қилишлари зарур бўлади. Заруратга қараб корхоналар вазифалар бўйича ўзаро фикрга келиши ва фаолиятларини мувофиқлаштириши мумкин.

Дастурний тизим белгилаб берган вазифалар икки ташкилот ўртасидаги график-шартнома функциясини бажаради. Дастурний тизимда экинларнинг биологик хусусиятларини илмий жиҳатдан ҳисобга олган ҳолда, нафақат иш ҳажми, балки уларни бажаришнинганиқ муддатлари ҳам қайд этилади. Шу сабабдан, бундай шартномани график-шартнома деб аташ лозимки, бу рақамли иқтисодиёт тамойилларини ўзида акс эттиради.

Бундай бошқарув ва иш усули ҳеч қанақанги бюрократия, босим ва кўрсатмага

ўрин қолдирмайди. Фақат илм-фан якка ҳокимлик қиласи. Унга барча бўйсунишга мажбур. Ҳеч ким ва ҳеч қандай ақл ҳамда куч илм-фан тақозо этган кўрсатмалардан юз ўгира олмайди.

Айни даврда фермер хўжаликларининг штат бирлиги жуда кам. Фермер хўжалигининг иш фаолиятига умумий тарзда қараб чиқайлик. Унинг зиммасида ер ҳайдаш, бороналаш, уруғ навини топиш, танлаш ва экиш, кимёвий ва маҳаллий ўғит билан таъминлаш, экинларни ўғитлаш, суғориш, экин ораларига ишлов бериш, бегона ўтлардан тозалаш, зааркундаларга қарши кимёвий ишлов бериш, ёнилғи-мойлаш материаллари, молия-кредит масалаларини ҳал этиш, дефолиация қилиш, йиғиб-териб олиш, ташиш, истеъмолчиларга етказиб бериш, ишчи ходимларга иш ҳақи бериш, меҳнат шароитини яратиб бериш каби масалалар кетма-кетлигидан иборат ишлар занжири туради. Бу ишларнинг ҳар бирини ҳал қилиш – ниҳоятда мушқул масала. Олдинда ҳали функционал вазифалари турибди. Уларнинг аксарият қисмини амалга ошириш ёки ечимини топиш бошқа ташкилотлар фаолиятига бориб тақалади. Бунинг учун улар билан малакали шартномалар тузилиши керак ва уларнинг ижросини таъминлаш зарур бўлади. Шартнома тузилгани билан барча ишлар ўз-ўзидан бажарилиб қолавермайди. Чунки фаолият давомида турли объектив ва субъектив сабаблар туғилади. Бажарилган ишлар ҳажман адo этилса-да, муайян муддатларга

доимий равища ҳам риоя этилавермайди. Шунингдек, бошқа ҳамкор корхоналарнинг ҳам фаолияти, имконияти ва иш хусусиятлари фермер хўжаликлариники каби бўлиб, улар ҳам ўзи билан ҳамкор корхоналарнинг қарамоғи ва таъсири остида буткул мураккабликлар исканжасида фаолият юритади. Бундай ҳолат жуда чукурлашиб бораверади. Шартномаларда бошқа ҳамкор корхоналарнинг фаолияти, имкониятлари ва хусусиятлари интеграл даражада ҳисобга олинмаслиги натижасида агросервис хизматлари кўрсатилишида нуқсонларга йўл қўйилади. Буларнинг барчаси ҳосилдорликка салбий таъсир ўтказмай қолмайди.

Юқорида қайд этилган масалалар битта экин кесимида ишлар, холос. Фермер бундан ташқари бошқа экинлар ҳам эккан бўлса, ташвиши яна шунчага ортади. Агар фермер хўжалигига муайян экин майдони учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар учун ишчиларнинг одам/соати ҳам, техникаларнинг мото/соати ҳам агротехник тадбирларни меъёр даражасига етказиб бажарилмаяпти.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, таъкидланган ишлар ва таъминот миқдорлари оптималь муддатларда амалга оширилишига ҳеч ким кафолат бермайди. Бундай муаммоларни ҳал этишнинг алгоритмик ечимини топиш жуда мураккаб ва илмталаб иш ҳамда ўта долзарб. Унинг муқобилий йўқ – ҳали ишлаб чиқилган эмас. Шунинг учун биз таъкидланган барча ишларни компьютер дастурний тизимнинг зиммасига юклишиғо ясини илгари сурмоқдамиз. Бу билан ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнат талаб қиласиган оғир, лекин муҳим ишлардан фермерлар озод қилинади. Бу ишлар фермерларнинг асосий вақти ва меҳнатини банд этади.

Шунингдек, фермерларнинг аксарият қисми бу ишларни малакали амалга оширишга қодир эмас. Дастур эса, уларни аниқ ва илмий жиҳатдан асосланган даражада бажаради. Бунинг учун дастурний тизимни фермер хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг хизматлари бўйича маълумотлар билан таъминласак, ундаги алгоритм барча матрицаларни ишлаб, зарурий маълумотларни тақдим этади. Шу муносабат билан бу ишларни оби-тобида,

ўз муддати ва миқдорида амалга ошириш учун дастурний тизим ишлаб чиқиши таклифи илгари сурилмоқда. Буни “Агротехнологик жараёнларни электрон бошқариш”⁵ дастури деб номлаш мақсадга мувофиқ. Дастурга қуйидаги каби маълумотлар юкланади:

- ҳамкор корхоналар;
- экиладиган экин турлари;
- экинга вегетация даврида хизмат кўрсатиш турлари, миқдорлари ва муддатлари;
- йиғиб-териб олиш ишлари;
- мутахассислар ва меҳнат ресурслари таъминоти ва ҳоказолар.

Бунда фермер муайян экин экиб, қандай тадбирларни қайси вақтларда, қайси ҳажм ва миқдорларда амалга ошириши учун мосланган тайёр график-шартномали инструкция вужудга келади. Бу эса, исталган экинни экишдан бошлаб, йиғиб-териб олиш ва истеъмолчига етказиб бергунга қадар бўлган барча технологик жараёнларни амалга оширувчи хўжалик ёки ҳамкор корхоналарнинг вазифасини бир зумда белгилаб беради. Шу сабабдан, биз деҳқон-фермерларнинг қўлига “Агротехнологик жараёнларни электрон бошқариш” дастурининг пультини тутқазиб қўйишимиз керак. Шунда дастурний тизим барча ишларни меъёрларга мос ҳолда бажариш ва экинларнинг вегетация даврини тўғри ташкил этиш имконини беради.

Ҳар бир фермер хўжалиги фаолиятининг барча турлари, у билан алоқадор корхоналар фаолиятига узвий боғланишдаги ишини ташкил этишнинг алгоритмик модели, ҳар бир экин бўйича агротехнологик тадбирлар тақвимрежаси ишлаб чиқилиши керак.

Мисол учун, фермер хўжалиги *n* майдонда чигит эмкоқчи бўлса, унда иштирок этиши мумкин бўлган субъектлар ва моддий-техник ресурсларнинг ушбу доирадаги қонуний ўзаро боғланишини қоплаш даражаси ўрганиб чиқилиши зарур. Агар бунда боғланиш даражаси неча фойзни ташкил этса, ундан олинадиган ҳосил ҳам шунга яраша бўлади. Ҳар бир экин майдони учун аввалдан ишлаб чиқилган технологик хаританинг дастурний тизимида қанча ва қачон ер майдонини ҳайдаш, қанча чигит экиш, қайси вақтларда чопиш, суғориш, ўғитлаш, кимёвий ишлов

⁵ Муаллифнинг 2010 йили “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” нашриётида чоп этилган “Теоретические и практические основы активизации человеческого фактора” номли монографиясида ишлаб чиқилган блок-схема ва моделларига имитацион ёндашиб ишлаб чиқилиши мумкин.

бериш, бу ишлар кимлар томонидан қилиниши түғрисидаги маълумотлар пайдо бўлиши керак. Яъни, муайян майдондаги пахтага ишлов бериш ва агротехник тадбирлар учун лозим бўлган вазифаларни адо этиш интегрални вужудга келади. Техник меъёrlар асосида ишлаб чиқилган дастурий тизим асосида, экинга ишлов бериш учун зарур бўладиган техника воситалари, бошқа моддий-техник таъминотнинг меъёрий миқдорлари келиб чиқади. Бу маълумотлар асосида техника воситалари ва моддий-техник ресурсларни қоплашнинг амалдаги миқдори келиб чиқади. Мавжуд ҳолатга ҳаққоний баҳо берилиши натижасида зарурий қарор қабул қилинади. Яъни, этишмаётган ёки ортиқча техник ва моддий ресурслар билан тўлдириш ёки ортиқчасини қаёққа йўналтириш масалалари ечилади. Натижада дастурий тизим бир неча томонлама, яъни фермер хўжалигининг:

- МТПлар;
- сувдан фойдаланувчилар уюшмаси;
- уруғчилик таъминоти;
- кимё таъминоти;
- ўғитлар билан таъминлаш;
- йигим-терим ишлари;
- ҳосилни ташиш;

-маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотиш юзасидан дастурий тизим ёрдамида кўп ёқлама шартномалар тузиш мумкин. Бундай йўл билан тузилган шартномалар ҳам дастурий тизим ёрдамида назорат қилинади.

Бу ишларнинг дастурий тизимга киритилиши натижасида қайси корхоналар тўлақонли фаолият юритиши ёки сусткашликка йўл қўйиши маълум бўлиб қолади. Шу асосда, тегишли чоралар кўрилади. Шунингдек, экиш, йигим-терим, ташиш ишларини мақбуллаштиришнинг муқобил вариантлари таклиф қилинади.

Мисол учун, мавжуд комбайнлар билан

худуддаги ғалланинг учдан бирини ўриб-йиғиб олиш имкони бўлса, мақбуллаштириш натижасида ғалла майдонини тенг учга бўлиб, биринчи қисмига ғалла эккандан сўнг иккинчи қисмидаги ғаллани беш кун кейин экиш, учинчи қисмгадонни яна беш кун кейинга сурib экиш керак. Шунда, биринчи участкадаги ғалла ўриб-йиғиб олингунгақадар иккинчи участкадаги ғалла пишиб етилади. Иккинчи участкадаги ҳосил йиғиб-териб олингунга қадар эса учинчи участкадаги экин пишиб етилади. Натижада, ҳосил нес-нобуд қилинмай йиғишириб олинади, комбайнлардан фойдаланиш коэффициенти юқори даражада ортади. Ташқаридан комбайн жалб қилишга ҳожат қолмайди.

Кетма-кетликда экин экилиши натижасида барча ишлар кетма-кет белгиланган тартиб асосида бажарилади. Яъни ерни ҳайдаш, экиш, агротехник ишлов бериш, суғориш, ўғитлаш, йиғиб-териб олиш ва ташиш ишлари ўз вақтида амалга оширилади. Бу билан қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш, ташиш каби ишларнинг тадрижий равишдаги агрологистикаси пайдо бўлади, пала-партишликка барҳам берилади.

Буларнинг барчаси дастурий тизимга киритилиши билан жараёнларнинг шаффоғлиги таъминланиб, агрофаолият автоматик тарзда бошқарилади ва кузатиб борилади.

“Электрон бошқарув” офисига вегетация даврида экинларга агротехник ишлов беришнинг тақвим-режасининг жойлаштириб чиқилиши, кўплаб мутахассисларнинг фаолиятини енгиллаштириш, штатларни қисқартириш, агротехник тадбирларни бекаму кўст илмий ва амалий тарзда амалга ошириш имконини беради (2-расм ва 2-жадвал).

				
Пахта	Фалла	Сабзавот	Дуккакли экинлар	Техникавий экинлар

1-расм. Экин турлари бўйича агротехник тадбирларни ташкил этиш ва бошқариш пульти.

Вегетация даврида экинларга агротехник тадбирларни ташкил этиш турлари ва амалга ошириш муддатлари 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

Бошқариш пультига жойлаштириладиган агротехник ишлов турлари ва уларни амалга ошириш муддатларининг намунавий шакли.

Агротехникавий ишлов	Муддати
Ер ҳайдаш	
Экиш	
Сугориш	
Чопиш	
Ўғитлаш	
Кимёвий ишлов бериш	
Йиғиб-териш	
Ташиб ва ҳоказолар	

Бундай режа ҳар бир иштирокчининг масъулияти ва ўрнини қатъий равишда белгилаб беради. Уларнинг ўз вақтида, рисоладагидек бажарилиши кузатилади ва назорат қилинади. Бу билан барча агротехнологик жараёнлар моделлар қуриш асосида ўрганилади.

Агротехнологик моделлар – бу шакллантирилган (графики, алгебрали, схемали, жадвалли) турли иқтисодий ҳодисалар ва жарёнларнинг функционал ўзаро алоқаларини топишни акс эттиради.

Дастурий тизим асосида автоматик бошқарув ва кузатувни йўлга қўйиш туман, вилоят ва республикада аграр сектор фаолиятини комплекс ривожлантириш марказларини ташкил этиб, агротехник тадбирлар ижросини таъминлашда қўл келади. Пировардида туманларнинг агротехник тадбирларни бажариш салоҳияти, моддий-техник таъминланганлик даражаси, ер, сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати, транспорт воситалари билан таъминланганлик даражаси, иш ўринлари яратиш имконияти ва ҳоказолар тўғрисидаги маълумотлар жамланади.

Амалда фермер барча хизмат кўрсатувчи корхоналар билан агротехник тадбирларни амалга ошириш бўйича шартнома тузишга мажбур. Агар агросаноат сектори бир тизимда бирлашиб, дастурий тизим ишлаб чиқилса, бундай ишлардан фермерлар озод бўлади. Хизмат муддатларида аниқлик, моддий-техник таъминотнинг зарурий миқдори ва бошқа кўплаб ишлар қатъий норматив талаблар асосида бажарилиши таъминланади.

Энг муҳими, фермер шартнома тузиш, ҳар бир агротехник тадбирни амалга ошириш учун югурмайди, қофозбозлик учун беҳуда вақт сарфламайди. Аслида, югурган билан ҳар доим ҳам кўзланган натижага эришилавермайди. Чунки дастурий тизимсиз ҳамкор корхоналар билан битадиган ишларнинг муддатлари ва параметрларини мос келтириш – қийин масала.

Фермер хўжалиги ва ҳамкор корхоналар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун, масалан, буғдой экувчи фермер хўжаликлари ва улар гахизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолият параметрлари алгоритми ишлаб чиқилади. Шу асосда, ҳар бир фермер хўжалигига агротехник тадбирларни бажаришнинг комбинацияси келиб чиқади. Мисол учун, МТПнинг қайси дид хўжалик ер майдонини ҳайдаб беришга қуввати етмаслиги аён бўлади. Ёки бирор тадбирнинг муддати бир неча экин майдонлари учун бир вақтга тўғри келиб қолишига йўл қўймайди.

Даладаги экин фақат деҳқонгагина тегишли эмас. Балки унга вегетация даврида агротехник хизмат кўрсатаётган барча ижрочи ҳамкор корхоналарнинг ҳам мулки бўлиши лозим. Яъни, экиндан мўл ҳосил олиш учун барча ҳамкор корхоналар манфаатдор бўлиши, ўзи амалга оширган хизмат миқдорида фойдага эга бўлиши лозим. Ана шунда экин тақдирига фақат фермергина қайғурмайди, балки барча хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳам бирдай жон кўйдирмоғи лозим бўлади. Дастурий вазифаларни ким қандай, қайси йўсун ва муддатларда якунлаганига қараб, корхоналар фаолиятига баҳо берилади. Натижада иштирокчилар кўзда тутилган ишлар рисоладагидек амалга оширилишини кузатади ва ҳар бир ижрочи корхонадан буни талаб қила бошлайди. Бу билан ўз-ўзидан ўзаро назорат функцияси юзага келади.

Хизмат кўрсатувчи корхона ўзига тегишли ишнинг барча йўл-йўриғи ва сир-асорини

фермер хўжалигига нисбатан яхшироқ билади. Чунки улар бу тор ихтисосликни билиш имконига эга ва шу ихтисосликнинг мутахассиси. Фермер эса бу ишларни тажрибаларга таянган ҳолда, ёки кўр-кўронада амалга оширади. Экинни етиширишга бир неча корхона ваколатли бўлгач, улар ишни ўртага олиб, ундан юқори наф олиш бўйича изланади, бир-бирининг ишини назорат қиласи, бир-бирига ҳисобот беради, хатолик ва нуқсонларнинг олдини олади.

Ҳар бир корхонада рақамли иқтисодиёт жорий этилиши керак. Битта корхонанинг ўзида меҳнат бир неча босқич ва жабҳадан иборат бўлади. Бунга мисол қилиб бўлимлар, филиаллар, шоҳобчалар ва бошқа кичик ячейкаларни келтириш мумкин. Уларнинг фаолиятини юқори савияда тизимли ва тартибли амалга ошириш учун ҳар бирининг фаолиятини мос равишда ташкил этиш ёки туташтириш ва боғлаш учун рақамлаштирилиши лозим. Бунда ҳеч бир нарса бу тизимдан ташқарида қолиб кетмаслигига эътибор қаратилади. Кейинги навбатда уларни корхонадаги бошқа жабҳалар билан боғлаш учун рақамлаштирилари ва ҳоказо. Шунинг учун рақамлаштириш катта аҳамият касб этиб, унинг инфратузимасини шакллантириш – жуда долзарб. Бу ижтимоий тармоқ – интернет бўлиб, у барча корхоналар фаолиятига кириб борган бўлиши керак.

Корхоналар атрофида банк, хизмат кўрсаувчи корхоналар талаб даражасидаги маромда ишлаши керак. Рақамли иқтисодиёт асосида фаолият юритаётган корхоналар улар фаолиятини ҳам ўз рақамлари доирасига олади. Бунда ҳамкор ижрочи корхоналар ўрталиқдаги фаолиятларини агротехник қоидаларига мослаштириши зарурый маромни вужудга келтиради. Бундай умумлашган фаолиятда ҳар бир ижрочи корхона ўз фаолияти учун жавоб беради. Бирор-биров учун жавоб бермайди, ҳатто ишлаб чиқариши марказида турган фермер ҳам.

Тизимдаги ҳамкор ижрочи корхоналар ўртасида муносабатларни рақамлаштирилиши, ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни юқори даражада такомиллашишига хизмат қиласи.

Бундан кўриниб турибдики, корхона қайси ташкилот билан хоҳ у, маҳаллий, хоҳ хорижий бўлмасин барча хизматлар ва бошқа муносабатлар рақамлаштирилиши лозим.

Бунда кўп фаолиятлар кесишуvining зарурий нуқталари келиб чиқадики, вақт йўқотиш, ортиқча сарф-харажатга йўл қўймаслик, юқори самарадорлик ва фойда олиб келади.

Ходимларни рақамли фаолиятга ўргатиш, рақамли билимдонликни шакллантириш керак. Чет эллик ҳамкорлар билан рақамли алоқани йўлга қўйиш лозим. Барча корхоналарда рақамли иқтисодиёт фаолиятини ташкил этиш зарур. Чунки Рақамли иқтисодиётда ҳеч нарса эътибордан четда қолиб кетмайди. Яъни ундаги ҳар бир элементнинг тўлароқ қамраб олиниши шунчалар кўпроқ рақамли иқтисодиётга яқинлаштиради.

Ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасини рақамлаштириш – барча ишларни тартибли, тизимли амалга ошириш имконини беради. Масалан, кадрлар бўйича электрон жадвал ишлаб чиқилиши – бу борадаги барча масалаларни ҳал этишда маёқ ролини ўйнайди. Айни даврда ишчи ўринлари етишмаслиги муаммоси жуда ўткир бўлиб турибди. Шу билан бир қаторда ҳамма мавжуд иш ўринларини ходимлар билан тўла банд деб бўлмайди. Яъни бир пайтнинг ўзида ишчи кучининг етишмаслик ҳолатини ҳам йўқ деб бўлмайди. Чунки корхонларнинг ишлаб чиқариш бўйича қувватлар сифимининг барча имкониятлари тўла ишга солинган, иш ўринлари яратилган деб бўлмайди. Жумладан, иш билан таъминланганларнинг ҳам аҳволини яхши, муаммоларини йўқ деб бўлмайди. Буларнинг сабабини ўрганадиган бўлсак, у жойларда муносаби иш ҳақи, меҳнат шароити, меҳнат қонунларига риоя этилмаслиги, меҳнатнинг оғирлиги, меҳнатнинг мавсумийлиги кабиқатор муаммолар ҳам ўткирлигича қолмоқда. Уларни тўлақонли иш билан таъминланганлар қаторига қўшиб бўлмайди. Улар эҳтиёжларининг қанча даражасининг қопланганлиги даражасида иш билан таъминланганлик мақомида бўлади. Шунинг учун кадрлар масаласи бўйича бир неча муқобил турдаги электрон жадвалларни тузиш керак.

Ҳар бир корхонанинг кадрлар бўлимида “Кадрлар бўйича электрон жадвал” мужассамлаштирилиши зарур. Бунда ҳар бир корхонанинг кадрлар контингенти, уларнинг иш характери бўйича классификацияси берилган бўлиши керак. Ана шу классификация бўйича бир-бирлик миқдорда бажарилган иш

учун тўланадиган иш ҳақи берилиши керак. Бу иш ҳақи билан ходим оиласини боқишга қанчалар қодирлиги таҳлил қилиб борилиши лозим. Шунинг учун корхоналар молиявий иқтисодий ҳолатидаги аҳволни текшириш учун эмас, маҳсус инжиниринг тузилмалари корхоналар салоҳиятини ўрганиб, уларни ривожлантириш учун ёрдам ва йўл-йўриқлар кўрсатиш билан шуғулланиши зарур. Бу билан корхонанинг ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилиб, уни амалга оширишида кўмак кўрсатилиши керак. Бу ходимларнинг иш ҳақи ва меҳнат шароитларини яхшилашга ёрдам берувчи биринчи галдаги муҳим вазифалардир.

Рақамлаштиришни тўсиқсиз ривожланиш қонуни деб аташ мумкин. Бу шундай шаффоф нарсаки, кузатув орқали қайси ҳолат ривожланишга салбий таъсир қила бошлаши билан ва унинг ўрнига бошқасини киритиши имконлари ҳар доим ҳам мавжуд бўлади. Рақамлаштириш сиёсий ёки расмий характер касб этмайди. Бунда ҳамма қулай, осон ва турли хил йўқотишларсиз мақсадга эришиш имконига эга бўлади. Шунинг учун ҳам жойларда рақамли билимдонликка эришиш зарур.

Курилиш ишлари пудратчи ташкилот атрофида бир неча субпудрат ташкилотларининг биргалиқдаги фаолияти натижасида ниҳоясига етказилади. Бунда ҳар бир пудрат ташкилоти ўзи амалга оширган ишига жавоб беради. Қишлоқ хўжалигида ҳам шу тамойилнинг қўлланилиши фойдадан холи бўлмайди. Фермер хўжалиги фаолиятнинг марказида бўлгани баробарида у бош пудратчи, хизмат кўрсатувчи корхоналар эса субпудратчи вазифасини ўтамоғи лозим. Бу даврада барча ишларнинг тўлиқ ва талаబ даражасида бажарилишини кузатиб борувчи назорат гурухи тузилиши мақсадга мувоғик. Натижада, ҳар бир корхона ўз вазифасини аниқ ва яққол билади, масъулиятни ҳис этади. Экин далада ёлғиз, хўжасиз ҳолда қаровсиз қолиб кетмайди. Бундан ташқари, дуч келган паст даромадли экинлар билан дехқончилик қилишга йўл қўйилмайди. Дехқончиликдан кўрилган фойда ҳам, зарар ҳам фермернинг зиммасида қолиб кетмайди. Ҳар ким ўз ўрни ва улиши миқдоридаги нафни кўриш имконига эга бўлади.

Мўл ва сифатли ҳосил олишнинг асосий гарови – экинга вегетация даврида ўз вақтида ва сифатли агротехник ишлов беришdir. Экин ҳамкорликда етиштирилар экан, унинг ҳосили

барчани бирдай қизиқтириши лозим. Шу боис, экинга бериладиган ҳар бир ишловнинг сифати кузатилмоғи зарур. Бунинг учун сифат комиссияси ҳар бир ишловни далолатнома асосида қабул қилиб олади. Чунки оралиқда қандайдир тадбирнинг сифатсиз бажарилиши, экин нобуд бўлиши ёки ҳосил кескин камайиб кетишига сабаб бўлади. Қайсиdir бир ҳамкор корхонанинг масъулиятсизлиги ёки айби билан ҳамма тадбирларни ўз вақти ва ўрнида сифатли адo этган бошқа корхоналар зарар кўриб қолмайди.

Фермер хўжалиги ёки бошқа хизмат кўрсатувчи корхоналарга ҳам маҳсулот кластерини амалга ошириш имкони берилиши керак. Ҳар бир субъект етиштирилган маҳсулотни ўз хизмат ҳақи миқдорида натура ҳисобида олса, уни қайта ишлаш, маҳсулот захирасини яратиш ва қўшимча даромад олиш имконига эга бўлади. Ҳатто улар бу иш бўйича етарли тажриба тўпласа, келажакда бошқа фермер хўжаликлари ва минтақаларнинг маҳсулотларини ҳам харид қилиб, тайёр маҳсулотга айлантириб, қўшимча даромад олиш тадоригини кўра бошлайди. Бу билан жойларда диверсификациялаш ишларини ривожлантириш ва инфратузилмани вужудга келтириш учун қулай муҳит ва шароит юзага келади. Ёлланма ишчилар жалб этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилади, ишчилар турмуш тарзи тобора яхшиланиб боради. Бу билан қишлоқларда ҳам саноатга қизиқиши ортиб, кўнкима ҳосил бўла бошлайди. Чунки бунда сарф қилинган меҳнат эвазига бир неча баробар ортиқ даромод олинади. Бу саноатнинг жадал ривожланишида муҳим омилдир.

Корхоналарнинг инновацион фаолият юритиш қобилиятини аниқлаб бориш ва уларни шу йўлга етаклаш, инжиниринг компаниялари, цех ҳамда корхоналар ташкил этиш, бизнес ва илмий-инкубаторлар улар фаолиятининг инкубацион даврини таъминлаб беришдан иборат бўлиши керак. Ҳали синовдан ўтмаган ишланмаларни дастлаб илмий инкубаторларда инкубацион даврини ўташи, синалиши билан ишлаб чиқаришга ўз зарарини етказмайди.

Бу билан худудда барча иқтисодий субъектларни вужудга келтириш, улар фаолиятини оптималлаштириш ва бошқа барча ташкилий ишларни бажарувчи шохобчалардан иборат тармоқ шаклланади.

(Давоми кейинги сонда)

ЭКОЛОГИК -ГЕОГРАФИК ГЕНЕТИК УЗОҚ ЮҚОРИ АВЛОД ДУРАГАЙЛАРИДА ТЕЗПИШАРЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Раъно Юлдашева,
к.ф.д., доцент,
Одина Сотоволдиева,
таянч докторант,
Шадман Намазов,
профессор,
Гўзал Холмуродова,
к.ф.д., профессор
ТошДАУ

Аннотация. В данной статье было определено, что формирование и стабилизация признака быстрорастущих гибридов высокого поколения в полевых опытах почвенно-климатических условий Андижанской и Ташкентской областей, далеких от экологогеографических и генетических аспектов, может быть достигнуто путем привлечения к гибридизации эколого-географически отдаленных форм на основе исследований и результатов.

Ключевые слова: образцы сортобразцов, эколого-географические отдаленные гибриды, вариация, дисперсия, генотип, гибриды, семейство, шаблон.

Annotation. In this article presented formation of rapid maturation in the field experiments of soil and climatic conditions of Andijan and Tashkent region of high-generation hybrids of ecological-geographical and genetically distant origin, based on the study of sustainability, was identified that by involving ecologically and geographically distant forms in hybridization, it is possible to separate fast-growing families and achieve positive results in high-generation hybrids.

Key words: samples of cotton varieties, ecological-geographical far hybrids, variation, dispersion, genotype, family, standard variety.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу борада касаллик ва зааркундаларга бардошли, тупроқ-иқлим шароитларига мос, тола сифати юқори қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Аксарият изланишларда маҳаллий ва хорижий навларни чатиштиришдан олинган дурагайларида эртапишарлик, бир кўсакдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола чиқими ва тола узунлигини ўрганиш асосида ота-она намуналари бир хил кўрсаткичга эга бўлганда, ёки фарқи жуда кам бўлганда кўп белгиларнинг

ота-она намуналари кўрсаткичлари оралиғида ирсийланиши аниқланган. Олимлар эртапишар навларни яратишида экологик ва географик келиб чиқиши жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлган шакллардан фойдаланилганда ота-она шакллари сифатида олинган намуналардан бирортаси мазкур шароитга мослашган маҳаллий навлар бўлиши самарали эканлигини хулоса қилишган [1].

Экологик ва генетик келиб чиқиши бўйича кескин фарқланадиган ҳар хил ғўза турлари ва кенжа турларини чатиштириш асосида яратилганинтрогрессивнамуналарнинг ҳар хил навлар билан қайта чатиштириш орқали вилтга чидамлилик, тезпишарлик, тола чиқими ва сифати ҳамда бошқа белгилар бўйича донорлик қобилияtlари юқори эканлиги аниқланган ҳамда интрогрессив шаклларни

ғўза селекциясида қўллашнинг самарадорлиги исботланган [2].

Тадқиқотнинг обьекти ирсияти турлича бўлган BC-8.PL-14, BC-7.PL-15, BC-2.PL-19, BC-4.PL-10, BC-4.PL-12, BC-8.PL-15 АҚШ ғўза намуналари, маҳаллий С-2609, С-6524, Омад навлари ҳамда уларни чатиштириш орқали олинган дурагайлари, оилаларидан, андоза нав сифатида С-6524 ва Андижон-36 навларидан фойдаланилди.

Тадқиқот усули. Илмий изланишлар ЎзПИТИда қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) бўйича олиб борилди. Узоқ экологик-географик дурагайлаш, фенологик кузатувлар, вилтга бардошлилик, танлов ишлари, намунавий теримлар олиб бориш, математик, вариацион ва коррелятив таҳлил усулларидан фойдаланилди. Толанинг сифат кўрсаткичлари «Сифат» марказида замонавий HVI қурилмасида аниқланди. Барча математик ва статистик таҳлиллар MS Excel дастури ҳамда Б.А.Доспехов услублари асосида амалга оширилди.

Тадқиқотлар Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг дала тажриба станциясида дала тажрибаларида икки хил иқлим шароитида олиб борилди.

Тадқиқотларимизда Андижон ва Тошкент вилояти ПСУЕАИТИнинг дала тажрибаларида экологик географик узоқ дурагайлаш асосида олинган юқори авлод дурагайларида “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” бўйича тажрибалар олиб борилди.

Тажрибаларда оналик сифатида иштирок этган экологик-географик узоқ шакллар ҳамда оталик сифатида иштирок этган маҳаллий навларнинг юқори авлод (F_{10} - F_{13}) комбинацияларнинг Андижон ва Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шароитида тезпишарлик бўйича таҳлил қилинди.

Андижон тупроқ-иқлим шароитида экологик-географик узоқ дурагайларни “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” кўрсаткичи бўйича олинган таҳлил натижаларига кўра, андоза нав сифатида олинган Андижон-36 навида тезпишарлик кўрсаткичи 116,5 кунни ташкил қилгани ҳолда, оналик сифатида

1-жадвал

Андижон тупроқ-иқлим шароитида экологик-географик узоқ дурагайларнинг “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” кўрсаткичи, 2021 й.

№	Дурагай комбинациялар	$M \pm m$	σ	V, %
1	St Andijon-36	$116,5 \pm 0,22$	0,55	0,47
2	$F_{10} BC-4PL-10 \times C-2609$	$117,2 \pm 0,32$	1,03	1,89
3	$F_{11} BC-4PL-10 \times C-2609$	$116,4 \pm 0,26$	0,84	1,44
4	$F_{12} BC-4PL-10 \times C-2609$	$116,0 \pm 0,16$	0,51	0,72
5	$F_{13} BC-4PL-10 \times C-2609$	$116,0 \pm 0,20$	1,63	0,54
6	$F_{10} BC-8PL-14 \times C-6524$	$117,4 \pm 0,16$	0,51	2,65
7	$F_{11} BC-8PL-14 \times C-6524$	$116,5 \pm 0,30$	1,97	1,83
8	$F_{12} BC-8PL-14 \times C-6524$	$115,6 \pm 0,42$	0,84	1,72
9	$F_{13} BC-8PL-14 \times C-6524$	$115,5 \pm 0,26$	0,74	0,44
10	$F_{10} BC-4PL-10 \times \text{Омад}$	$117,5 \pm 0,28$	0,57	0,49
11	$F_{11} BC-4PL-10 \times \text{Омад}$	$116,7 \pm 0,47$	1,95	1,82
12	$F_{10} BC-7PL-15 \times \text{Омад}$	$116,5 \pm 0,28$	0,57	0,49
13	$F_{12} BC-7PL-15 \times \text{Омад}$	$116,0 \pm 0,25$	0,50	1,42
14	$F_{11} BC-4PL-12 \times C-5621$	$116,1 \pm 0,23$	0,73	0,63
15	$F_{13} BC-4PL-12 \times C-6521$	$115,0 \pm 0,44$	1,00	0,87



C-2609 нави иштирокидаги юқори авлод эколого-географик узоқ дурагай комбинацияларда ушбу белги бўйича кўрсаткич 116 (F_{12} BC-4PL-10 x C-2609, F_{13} BC-4PL-10 x C-2609) кундан 117,2 (F_{10} BC-4PL-10 x C-2609) кунгача, C-6524 нави иштирокидаги дурагай комбинацияларда эса 115,5 (F_{13} BC-8PL-14 x C-6524) кундан 117,4 (F_{10} BC-8PL-14 x C-6524) кунгача, Омад нави иштирокидаги дурагай комбинацияларда эса 116,0 (F_{12} BC-7PL-15 x Омад) кундан 117,5 (F_{10} BC-4PL-10 x Омад) кунгачани ташкил этди (1-жадвал).

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ниҳол униб чиқишидан 50 % пишишгача бўлган давр бўйича кўрсаткичлар ота-она генотипига боғлиқ равишда шаклланганидан далолат беради. Тажриба натижаларидан кўриниб турибдики, оталик сифатида иштирок этаётган тезпишар Омад нави иштирокидаги дурагай комбинацияларда ушбу белги кўрсаткичи оталик генотипи таъсирида бўлиб, оналик навга нисбатан пастроқ натижани намоён этди.

Ушбу дурагай комбинациялар орасида F_{13} BC-4PL-12 x C-5621 комбинациясида “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” даври бўйича кўрсаткич 115 кунни ташкил этиб нисбатан тезпишарликни намоён этди.

Пахта селекцияси уруғчилиги ва етишириш агротехнологиялари институти тажриба далаларидаги тадқиқот натижаларига кўра, ниҳолуниб чиқишидан 50% пишиш белгиси андоза C-6524 навида 118,5 кунни ташкил этиб, C-2609 нави иштирокида эколого-географик

узоқ дурагайлар орасидан F_{13} BC-4PL-10 x C-2609 комбинациясида 116,5 кунни ташкил этиб, улар орасида нисбатан тезпишарлик намоён бўлди. F_{10} BC-4PL-10 x C-2609 комбинациясида эса нисбатан кечпишарлик кузатилиб, 118,5 кунни (2-жадвал) ташкил этди.

C-6524 нави иштирокидаги дурагай комбинациялар орасидан F_{13} BC-8PL-14 x C-6524 комбинациясида ниҳол униб чиқишидан 50% пишишгача бўлган давр 115,2 кунни F_{10} BC-8PL-14 x C-6524 комбинациясида эса нисбатан кечпишарлик кузатилиб 118,8 кунни ташкил этди. Омад нави иштирокидаги комбинацияларда оталик сифатида иштирок этаётган ушбу навнинг таъсири сезиларли бўлмади.

ПСУЕАИТИ тажрибаларида F_{13} BC-4PL-12 x C-5621 комбинациясида нисбатан тезпишарлик кузатилиб, 115,1 кунни ташкил этди.

ПСУЕАИТИнинг дала тажрибаларида экологик-географик узоқ дурагайларнинг “Униб чиқиши-50% кўсакларнинг очилиши” кўрсаткичи бўйича юқори авлод дурагай комбинацияларимиз Андижон тупроқ-иқлим шароитида экиб ўрганилаётган экологик-географик узоқ дурагайларнинг “Униб чиқиши-50% пишиш” кўрсаткичиларига нисбатан 1-2 кунга кечпишар бўлди. Ушбу юқори авлод дурагайларимиз “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” кўрсаткичлари 115,1 кундан (F_{13} BC-4PL-12xC-5621) 119,2 кунгача (F_{12} BC-7PL-15 x Омад) бўлди.

2-жадвал

ПСУЕАИТИнинг дала тажрибаларида экологик-географик узоқ дурагайларнинг
“ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” кўрсаткичи, 2021 й.

№	Дурагай комбинациялар	M±m	σ	V, %
1	St C-6524	118,5±0,95	1,66	1,62
2	F ₁₀ BC-4PL-10 x C-2609	118,5±0,17	0,56	2,47
3	F ₁₁ BC-4PL-10 x C-2609	117,7±0,70	1,21	1,88
4	F ₁₂ BC-4PL-10 x C-2609	117,3±0,84	1,47	1,27
5	F ₁₃ BC-4PL-10 x C-2609	116,5±0,73	1,32	1,97
6	F ₁₀ BC-8PL-14 x C-6524	118,8±0,24	1,79	2,81
7	F ₁₁ BC-8PL-14 x C-6524	116,5±1,03	1,27	1,66
8	F ₁₂ BC-8PL-14 x C-6524	116,7±0,65	1,05	1,76
9	F ₁₃ BC-8PL-14 x C-6524	115,2±0,89	0,82	0,44
10	F ₁₀ BC-4PL-10 x Омад	119,0±0,40	1,30	1,10
11	F ₁₁ BC-4PL-10 x Омад	119,0±0,46	0,81	0,68
12	F ₁₂ BC-7PL-15 x Омад	119,2±0,47	0,95	1,27
13	F ₁₀ BC-7PL-15 x Омад	117,0±1,15	0,30	0,80
14	F ₁₁ BC-4PL-12 x C-5621	116,2±0,47	1,07	1,80
15	F ₁₃ BC-4PL-12 x C-5621	115,1±0,65	0,95	0,80

Ушбу экологик-географик узоқ юқори авлод дурагайларни орасидан ҳам эртапишар Омад нави иштироқида олинган дурагай комбинациялар бошқа дурагай комбинацияларга нисбатан тезпишарликни таркибий қисмлари бўйича кўрсаткичлари ҳар иккала тупроқ иқлим шароитида ҳам бир мунча узун бўлганлиги кузатилди. Белги бўйича нисбатан юқори ўзгарувчанлик амплитудаси F₁₀BC-8PL-14 x C-6524 (2,81) ва F₁₀BC-4PL-10 x C-2609 комбинациясида 2,47 %, паст кўрсаткичи дурагай комбинациялар ўзгарувчанлик даражаси эса F₁₁BC-4PL-10 x Омад (0,68), F₁₀BC-7PL-15 x Омад ва F₁₃BC-4PL-12 x C-5621 дурагай комбинацияларида 0,80% эканлиги аниқланди.

Хуноса. Демак, эртапишарлик белгиси ота-она генотипига боғлиқ равища авлодларда ирсийланади ҳамда танлашнинг самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Экологик-географик узоқ шакллар асосида яратилган дурагай комбинацияларда оталик сифатида иштирок этган тезпишар Омад навининг таъсири сезиларли бўлмади, яъни ушбу нав иштироқидаги дурагай комбинацияларда бошқаларига нисбатан тезпишарликда устунлик намоён бўлмади. Ҳар иккала тупроқ-иқлим шароитида F₁₃BC-8PL-14 x C-6524 ва F₁₃BC-4PL-12 x C-5621 комбинацияларида тезпишарлик кузатилиб, улардан белгини яхшилашда генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кучкаров О.Э., Алиходжаева С.С., Амантурдиев А.Б., Усманов С.А., Расулов И.М., Норов Б., Рамазанова Н. Возможность создания скороспелых форм хлопчатника в сочетании с крупностью коробочек в условиях 2^x-поливов// “Дала экинлари селекцияси уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб ўйналишлари” мавзуусида Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами 1-қисм, – Тошкент, 2016. – Б.175-178.
2. Эгамбердиев А.Э., С.А.Эгамбердиева. Фўзанинг узоқ генетик дурагайларида селекция учун қимматли белгиларнинг ирсийланиш қонуниятлари. //Фўза, беда селекцияси ва уруғчилиги илмий ишлар тўплами. –Тошкент, 2009. –Б. 208-213.

КУНГАБОҚАР ВА СОЯ ЭКИНИНИНГ ЗАРПЕЧАК БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ КУРАШ

Аннотация. В Ташкентской области внесение гербицида Пилот 10% из расчета 1,0 л/га на полях сои и подсолнечника из расчета 1,0 л / га создало основу для высоких урожаев, обеспечивая рост и развитие сои и подсолнечника на выгодных условиях. При этом урожайность сои составила 29,5 ц / га, подсолнечника — 31,5 ц / га.

Ключевые слова: гербицид, препарат, тысячелистник, соя, подсолнечник, сорт, урожайность, агрохимикат.

Annotation. In the Tashkent region, the introduction of the Pilot herbicide 10% at the rate of 1.0 l / ha in the fields of soybeans and sunflower at the rate of 1.0 l / ha created the basis for high yields, ensuring the growth and development of soybeans and sunflower. on favorable terms. At the same time, the yield of soybeans was 29.5 c / ha, sunflower - 31.5 c / ha.

Key words: herbicide, preparation, yarrow, soybean, sunflower, variety, yield, agrochemical.

Шавкат Ахмурзаев,
қ.х.ф.ф.д. (PhD), доцент,
Ботир Тўхташев,
қ.х.ф.н., доцент,
Усмон Норқулов,
қ.х.ф.д., профессор,
Махкам Шодмонов,
қ.х.ф.н., доцент,
ТошДАУ

Кириш. Сўнгтийилларда республика аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган талабининг ошиб бориши мойли экинлар етиштириш имкониятларини кенгайтирмоқда. Жумладан, 2015 йил 100 минг гектар, 2016 йилда 105 минг гектар, 2017 йилда 107 минг гектар ерга мойли экинлар экилган.

Мойли экинларни етиштириш агротехнологиялари, жумладан, мойли экинларни бегона ўтлар билан заарланиш даражалари ҳамда уларга қарши қураш чоралари бегона ўтларнинг тарқалиши, биологик хусусиятлари, мойли экинларни етиштириш жойларига (лалмикор ва сугориладиган) ҳамда турларига боғлиқ ҳолдаги заарланиш даражалари етарлича ўрганиш шу куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва услубияти. Тажриба соя ва кунгабоқар экилган далаларда олиб борилди. Ҳар икки экинда ҳам гербициidlар меъёри бир хил қилиб олинди.

1-вариант назорат гербицидсиз; 2-вариант Стомп, 33% с.э. (эталон) қўллаш меъёри 1,5 л/га; 3-вариант Пилот, 10% с.э.к қўллаш меъёри 0,5 л/га; 4-вариант Пилот, 10% с.э.к қўллаш меъёри 1,0 л/га. 5-вариант Пилот, 10% с.э.к қўллаш меъёри 1,5 л/га.

Вариантлар икки ярусли қилиб жойлаштирилади. Эгат узуонлиги 25 м қилиб олинади. Ҳар бир вариант 8 та қатор. Дала тажрибаларида соянинг “Орзу”, кунгабоқарнинг “Жаҳонгир” навлари етиштирилди.

Тажрибада қуйидаги агрокимёвий таҳлиллар ўтказилди: Тупроқнинг 0-30 см қатламида ялпи азот 0,13%, ялпи фосфор %, 0,24% гумус 1,2%, ҳаракатчан фосфор 33,4 мг/кг, алмашинувчан калий 326,0 мг/кг бўлган. Тупроқнинг 30-50 см қатламида ялпи азот 0,09%, ялпи фосфор %, 0,18% гумус 0,6%, ҳаракатчан фосфор 25,3 мг/кг, алмашинувчан калий

260,0 мг/кг бўлган.

Тадқиқот натижалари. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, Пилот гербицидининг соя даласида зарпечакка қарши синалган ҳамма сарф меъёри яхши натижа берган. Тажриба варианларининг барчаси ва Стомпнинг олинган сарф меъёри бошланғич даврда зарпечак уруғининг унишини 100% га камайтирган. Стомп 33% с.э.к гербициди 1,5 л/га меъёрда ишлатилган вариантда 45 кундан сўнг зарпечакнинг тарқалиши 6,4% бўлса, 60 кундан сўнг эса 17,8%, Пилот, 10% с.э.к 0,5 л/га меъёрда ишлатилган вариантда зарпечакнинг тарқалиши 45 кундан кейин 2,5 ва 60 кундан кейин 7,5% бўлиши кузатилди. Пилот, 10% с.э.к 1,0 ва 1,5 л/га меъёрларда ишлатилган варианларда 45 кундан кейин зарпечак униб чиқиши кузатилмади. Зарпечакнинг тарқалиши 60 кундан кейин бу варианларда мос равишида 2,5 ва 1,5% ни ташкил этди. Соя ҳосилини йиғишдан олдин зарпечакни тарқалиши Пилот 1,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда зарпечакни тарқалиши 4,5% бўлганлиги аниқланди. Бу препарат 1,5 л/га меъёрда ишлатилган вариантда соя ҳосилини йиғиш пайтида зарпечакнинг тарқалиши 3,2% ни ташкил этган.

Пилот гербициди 0,5; 1,0 ва 1,5 л/га меъёрларда қўлланилган варианларида соядан мос равишида 25,2; 29,5 ва 27,6 ц/га ҳосил олинган. Гербицид сепилмаган назорат вариантидан 21,5 ц/га ҳосил олинган.

Майдончаларга кунгабоқар экилиши билан бирга тупроқ юзасига 3-4 см чукурликка зарпечак уруғи ҳам сепилиб, сўнгра Стомп 33% с.э.к. нинг 1,5 л/га эталон сифатида ва Пилот гербициди 0,5; 1,0 1,5 л/га меъёрларда экиш билан бирга тупроқ юзасига қўлда сепиш аппарати билан сепилди. Ҳар бир



сарф меъёрдаги ишчи эритмасидан 300 л/га сув ҳисобидан сарфланди. Бошқа агротехник тадбирлар кунгабоқар етиширишда жорий этилган технологик жараёнлар асосида амалга оширилди.

Пилот гербицидининг кунгабоқар даласида зарпекакка қарши синалган ҳамма меъёрлари яхши натижа берган. Стомп 33% э.к гербициди 1,5 л/га меъёрда ишлатилган варианта 45 кундан сўнг зарпекакнинг тарқалиши 4,4% бўлса, 60 кундан сўнг эса 10,5%, Пилот, 10% с.э.к 0,5 л/га меъёрда ишлатилган варианта зарпекакнинг тарқалиши 45 кундан кейин 1,7 ва 60 кундан кейин 5,5% бўлиши кузатилди. Пилот, 10% с.э.к 1,0 ва 1,5 л/га меъёрларда ишлатилган вариантыларда 45 ва 60 кундан кейин зарпекак униб чиқиши кузатилмади. Зарпекакнинг тарқалиши 75 кундан кейин бу вариантыларда мос равища 1,8 ва 1,2 % ни ташкил этди. Кунгабоқар ҳосилини йифишидан олдин Пилот, 1,0 л/га меъёрда қўлланилган варианта зарпекакнинг тарқалиши 1,8% бўлганлиги аниқланди. Бу препарат 1,5 л/

га меъёрда ишлатилган варианта соя ҳосилини йифиши пайтида зарпекакнинг тарқалиши 1,2% ни ташкил этган.

Пилот гербициди 0,5; 1,0 ва 1,5 л/га меъёрларда қўлланилган вариантыларда кунгабоқардан мос равища 29,4; 31,5 ва 30,4 ц/га ҳосил олинган. Гербицид сепилмаган назорат вариантида 24,6 ц/га ҳосил олинган.

Олинган маълумотлар Пилот 10% .э.к. гербицидини 1,0 л/га меъёрда қўллаш яхши натижа берганлигини кўрсатади.

Хулоса: Таъкидлаш керакки, Тошкент вилояти шароитида соя ва кунгабоқар далаларида зарпекакка қарши Пилот 10% гербицидини 1,0 л/га меъёрда қўллаш зарпекакни самарали камайтириши ҳисобига соя ва кунгабоқарнинг қулаги шароитда ўсиш ва ривожланишини таъминлаб, юқори ҳосил олиш асосини яратди. Бунда соядан олинган ҳосилдорлик 29,5 ва кунгабоқардан олинган ҳосилдорлик 31,5 ц/га.ни ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Насиров Б., Сулаймонов Б.А., Шодманов М., Хикматов Ш.Т. Кartoшка ва сабзавот экинзорларидаги бегона ўтлар ҳамда уларга қарши кураш чоралари бўйича ТАВСИЯНОМА, 35 бет. ТошДАУ Таҳририят нашиёт бўлимининг Ризограф аппаратида чоп этилди. Тошкент-2019.
2. Нурматов Ш. ва бошқ. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент: УзПИТИ, 2007. 146 б.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА ТУТ ИПАК ҚУРТИ ЗОТ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ПИЛЛА МАҲСУЛДОРЛИГИ

Бахтияр Насириллаев,
қ.х.ф.д., профессор, Ипакчилик ИТИ лаборатория мудири,
Сарбиназ Осербаева,
таянч докторант,
Мансур Жуманиёзов,
“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси Тутчилик ва ипак қурти уруғчилиги бошқармаси бошлиғи

Аннотация. В данной научной статье представлен анализ продуктивности коконов тутового шелкопряда пород, линий и гибридов в Республике Каракалпакстан, изучены 4 породы, 2 линии и 7 различных гибридных комбинаций тутового шелкопряда, отличающихся друг от друга альтернативными признаками и характеристиками. Результаты показывают, что экстремальные условия Каракалпакстана могут по-разному повлиять на породы и гибриды.

Скорость снижения веса кокона и продуктивности тутового шелкопряда, одной из хозяйственно-ценных признаков тутового шелкопряда, была незначительной в линиях: Линия 300 и Линия 301, а также линия Юлдуз x Мархамат и (Л-27 x Асака) x (Л-27 x Мархамат) гибридные комбинации.

Ключевые слова: Личинка, порода, дурагай, линия, кокон, вес кокона, шелковистость, продуктивности коконов

Annotation. This scientific article presents an analysis of the productivity of silkworm cocoons of breeds, lines and hybrids in the Republic of Karakalpakstan, 4 breeds, 2 lines and 7 different hybrid combinations of silkworms, differing from each other by alternative traits and characteristics, have been studied. The results indicate that extreme conditions in Karakalpakstan can affect breeds and hybrids in different ways.

The rate of decrease in the cocoon weight and productivity of the silkworm, one of the economically valuable traits of the silkworm, was insignificant in the lines Line 300 and Line 301, as well as the line Yulduz x Markhamat and (L-27 x Asaka) x (L-27 x Markhamat) hybrid combinations.

Key words: Larva, breed, hybrid, line, cocoon, cocoon weight, silkiness, the productivity of silkworm.

Кириш. *Bombyx mori L.* турига мансуб тут ипак қурти узоқ йиллар давомида табиатда ёввойи ҳолатда яшаган. Унинг тарихий ватани Хитойнинг Шанг-Дунг провинцияси ҳисобланади. Лекин, ушбу жонзотнинг аждодлари иссиқ ва юқори намлик шароитида эркин яшагани ва ер юзининг бошқа минтақаларига мослашуви йиллар давомида турлича кечгани қуртларнинг эмбрионал ва постэмбрионал ҳаётчанлигини ёввойи шакллари даражасига этишида жиддий тўсиқ бўлган. Тут ипак қуртини нафақат Ўзбекистоннинг турли минтақаларига, балки қурт боқиладиган бошқа худудлар иқлим шароитига мослашуви ва шу шароитларга мос бўлган зот ва дурагайларни

яратиш доим ипакчи селекционерларнинг энг долзарб илмий йўналишлари бўлиб келган. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасининг кескин экстремал шароитлари ушбу ҳудудда парваришиланадиган ипак қурти зот ва дурагайларини юқори чидамлилигини, ҳамда ноқулай шароитларда ҳам ўз потенциалини сақлаб қолиш хусусиятларини талаб этади. Умуман олганда, ҳориж ва маҳаллий олимлар томонидан тут ипак қуртининг ноқулай шарт-шароитларга мослашуви ва чидамлилиги атрофлича ўрганилган бўлиб, ушбу йўналиш устувор йўналиш ҳисобланади.

С.Худжаматов,Б.Насириллаев,М.Болтаев [1] лар тут ипак қуртининг ҳаёт циклини қисқартириш ва пилла маҳсулдорлигини оширишнинг истиқболлари устида олиб борган тадқиқот ишларида, тут ипак қуртининг юқори пилла маҳсулдорлигига эга ва қисқа муддатда пилла ҳосилга кирадиган зот ва дурагайларни яратишни мақсад қилиб, тут ипак қуртининг ривожланиш давомийлиги, яъни ўсиш тезлиги бўйича селекция ишларини олиб борганлар. Ушбу янги селекцион жараён учун олинган Гўзал зотининг назорат популяциясида қуртлик даври 24,2 кун, уйқу даври 4,6 кун, жами қуртлик даври 28,8 кунни ташкил этган. Ўсиш тезлигини тезлаштиришга қаратилган биринчи авлод танланишида Гўзал зотининг қуртлик даври 23,4 кунни, уйқу даври 4,4 кунни ва жами қуртлик даври 27,8 кунни ташкил этган.

С. Салимджанов [2] ўз илмий ишларида Тожикистоннинг турли шароитларида пилла ҳосилини ошириш мақсадида инкубациядан кейин озиқлантириш жараёнида биовит-80 ва гидрокарбонат натрийни қўллаб, ушбу препаратларни пилла сифати ҳамда пилла йигириш пайтида толанинг технологик кўрсаткичларига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаган.

Қорақалпоғистон Республикасининг

ўзгарувчан иқлим шароитида ипак қуртларини парваришилаш ҳар йили ҳар хил натижা беради. Г.Абдримова [3] ўзининг Қорақалпоғистон Республикасида олиб борган илмий ишлари натижаларига кўра Навруз-1 Навруз-2 дурагайларини парваришилаб, улар 58,0-62,0 кг пилла ҳосили олишга эришган.

Янги дурагай комбинацияларнинг ҳаётчанлик белгиси бўйича олиб борган таҳлиллари асосида Б.Насириллаев, Ш.Ачилов, М.Жуманиёзов, М.Абдуқодиров [4] лар қуртлар ҳаётчанлиги бўйича Марварид x С-8 нгл (96,8 %) ва Линия-2 меч x Линия-3 меч (93,8%) дурагайларини юқори натижалар намоён этганини таъкидлайдилар ва қолган дурагайларда қуртлар ҳаётчанлиги 89,4%-94,2% оралиғида ўзгариб турган. Насли пиллаларнинг компактлиги бўйича танлашнинг ипак қуртини эмбрионал ва постэмбрионал ҳаётчанлигиги таъсири бўйича Ш.Умаров, Б.Насириллаев, К.Гиясова [5] лар олиб борган тадқиқот ишларида компакт пиллаларни насл учун танлаш усули кейинги авлод популяциясининг эмбрионал ва постэмбрионал даврдаги ҳаётчанлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги исботланган.

Қорақалпоғистон Республикасининг экстремал иқлим шароитига мос тут ипак қуртининг янги зот ва дурагайларини яратиш бўйича илмий ишлар ўзининг долзарблигини сақлаб турибди. Шулардан келиб чиқиб, биз ўз тадқиқотларимизни ушбу йўналишга бағишилаб, тут ипак қуртининг янги истиқболли зот ва дурагайларини Қорақалпоғистон шароитида синовдан ўтказдик.

Тадқиқот материали ва услубиёти. Мавзу бўйича тажрибалар Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош тумани “Агропилла” МЧЖ га қарашли Найманқўл ҚФЙ ҳудудида ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг “Ипак қурти наслчилиги, экологияси ва кимёвий заҳарланиш профилактикаси” лабораториясида олиб борилди.



Қорақалпоғистон Республикаси умумий ер майдони 166,6 минг квадрат километрдан иборат бўлиб, у худуднинг катталиги жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси минтақалари ўртасида биринчи ўринда туради. Тажрибалар учун ипак қуртиниң Гўзал, Марварид, Асака, Мархамат зотлари, Л-301, Л-300 тизимлари, Юлдуз x Мархамат, Орзу x Асака, (Л-28 x Мархамат) x (Л-27 x Асака), (Л-27 x Асака) x(Л-28 x Мархамат), Ўзбекистон-5, Ўзбекистон-6, Хитой дурагайлари танлаб олиниб боқилди. Тажриба қуртлари оптимал гигротермик шароитларда ва “Тут ипак қурти наслчилик ишининг асосий услубий қоидалари” раҳбарий ҳужжати асосида парваришланди.

Тадқиқот натижалари. Тут ипак қурти маҳсулдорлиги зот ва дурагайларнинг хўжалик белгилари ичida энг асосий ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқариш шароитида генотипида йирик ва ипакчанлиги юқори пилла ўраш хусусиятлари мужассамлашган саноат дурагайларини парваришланш катта самара беради. Ҳар қандай генотипнинг генетик потенциалини рўёбга чиқишида ташқи муҳит ва озиқланиш шароитлари катта аҳамиятга эга. Агар шу ташқи муҳит экстремал характеристега эга бўлсанчи, унда зот ва дурагайларнинг пилла маҳсулдорлиги қандай даражада ўзгаради. Кўйидаги 1 ва 2-жадвалларда 2021 йил баҳорги мавсумда Қорақалпоғистон Республикасидаги Тахиатош туманининг Найманқўл ҚФЙ “Гулсара пиллачи” фермер хўжалиги шароитида парваришланган маҳаллий зот ва дурагайларнинг пилла маҳсулдорлик кўрсаткичлари келтирилган.

1-жадвал

Тут ипак қуртиниң Қорақалпоғистон Республикаси шароитида парваришланган зот ва тизимларининг пилла маҳсулдорлиги

Зот ва тизимлар	Тахлил қилинган пиллалар сони, дона	Пилла вазни $\bar{X} \pm S\bar{x}$, г	Пилла қобиғи вазни $\bar{X} \pm S\bar{x}$, мг	Пиллалар ипакчанлиги $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %
Гўзал	90	1,61±0,01	0,422±0,01	26,2±0,61
Марварид	90	1,62±0,01	0,399±0,02	24,6±1,02
Асака	90	1,45±0,01	0,356±0,01	24,6±0,77
Мархамат	90	1,54±0,04	0,367±0,00	23,8±0,61
Л-301	90	1,70±0,02	0,422±0,01	24,9±1,11
Л-300	90	1,73±0,02	0,411±0,01	23,8±0,79

2-жадвал
**Қорақалпоғистон Республикаси шароитида парваришланган дурагайларнинг
пилла маҳсулдорлиги**

Дурагайлар	Тахлил қилинган пиллалар сони, дона	Пилла вазни $\bar{X} \pm S\bar{x}$, г	Пилла қобиғи вазни $\bar{X} \pm S\bar{x}$, мг	Пиллалар ипакчанлиги $\bar{X} \pm S\bar{x}$, %
Юлдуз x Мархамат	90	1,75±0,03	0,477±0,02	27,2±1,42
Орзу x Асака	90	1,61±0,02	0,378±0,01	23,5±0,78
(Л-28 x Мархамат) x (Л-27 x Асака)	90	1,61±0,03	0,433±0,01	26,9±0,54
(Л-27 x Асака) x (Л-28 x Мархамат)	90	1,73±0,02	0,422±0,01	24,4±0,77
Ўзбекистон-5	90	1,59±0,05	0,366±0,02	23,0±0,68
Ўзбекистон-6	90	1,61±0,03	0,377±0,03	23,4±1,43
Хитой дурагайи	90	1,23±0,02	0,333±0	27,0±0,37

1-жадвалдаги рақамларни тахлил қилар эканмиз, зот ва тизимларнинг пилла вазни ўрта даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткич 4 та зот ва 2 та тизим бўйича 1,45-1,73 г ни ташкил этди. Линия 300 ва Линия 301 тизимлари энг юқори пилла вазнига эга бўлиб, Қорақалпоғистон шароитида анчагина ижобий натижани намоён этди. Пиллаларнинг ипакчанлиги алоҳида эътиборга лойиқ деб ҳисоблаймиз, чунки 1,45-1,73 г вазндан пиллаларнинг пилла қобиғи вазни сезиларли пасаймаган (356-422 мг) ва шунинг ҳисобига пиллаларнинг ипакчанлиги талаб даражасида намоён бўлди. Ушбу муҳим хўжалик белгининг кўрсаткичи тоза зотлар популяциясида 23,8-26,2% оралиғида бўлиб, ноқулай экологик шароитларга эга Қорақалпоғистон Республикаси учун яхши натижа ҳисобланади.

Юқорида тоза зотларнинг пилла маҳсулдорлиги кўрсаткичи келтирилган бўлса, 2-жадвалдан дурагай қуртларнинг пилла вазни, пилла қобиғи вазни ва ипакчанлик кўрсаткичлари ўрин олган. 2-жадвал маълумотлари тахлили шуни кўрсатадики, 6 хил маҳаллий дурагай комбинацияларининг пилла ва қобиқ вазни ҳамда уларнинг ипакчанлиги Қорақалпоғистон шароити учун анчагина юқори натижа ҳисобланади. Худди зотларда кузатилганидек, дурагайларда ҳам пилла вазни кўрсаткичи ўз имкониятидан пастроқ даражада, яъни 1,59-1,75 гни ташкил этди, ваҳоланки оптимал шарт-шароитларда Ўзбекистон 5 ва Ўзбекистон 6 дурагайлари 2,0 г дан ҳам ортиқ вазнли пилла ўраш потенциалига эга. Лекин, пилла вазни пасайиши билан пилла қобиғи вазни у даражада пасаймаганлиги мазкур дурагайларни шимолий ҳудудларда ҳам самарали бўлишидан далолат беради. Пиллалар ипакчанлигига келадиган бўлсак, пилла қобиғи вазни оптимал даражада сақланганлиги ва пилла вазнини пасайиши ҳисобига анчагина юқори кўрсаткичга эга бўлди (23,0-27,2%). Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, пилла вазнининг пасайиши асосан ғумбакнинг енгиллашгани билан изоҳланади ва пилла қобиғининг оптимал вазнини сақлаб қолишига паратипик омил таъсир этганми ёки бу кўрсаткич генотип таъсирида келиб чиққанми, деган савол албатта чуқур ўрганилиши керак бўлган илмий муаммо ҳисобланади.

Хулоса. Қорақалпоғистон Республикасининг қуруқ ва ўзгарувчан ҳароратли иқлими ва тут баргларини озуқавийлик хусусиятлари паст бўлиши ушбу ҳудудда юқори сифатли ва мўл пилла ҳосили олиш имконини чеклаб келмоқда. Охирги бир неча йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг туманларида тут ипак қуртининг маҳаллий зот ва дурагайлари парваришлиланмаган бўлиб, 2021 йил баҳор мавсумида Ўзбекистонлик селекционерлар томонидан яратилган 4 хил зот, 2 та селекцион тизим ва 6 хил дурагай комбинациялари ишлаб чиқариш синовларидан ўтказилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, янги Линия 300 ва Линия 301 тизимлари ва Асака, Марҳамат зотлари экстремал шароитларда ҳам ўзининг потенциалини сақлаб қолди. Кейинги босқичда ушбу зот ва тизимларни Қорақалпоғистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам синовлардан ўтказиш ва уларнинг ичидан энг мосланувчан ва юқори пилла маҳсулдорлигига эга шаклларини танлаб олиш ишларини амалга ошириш мақсаддага мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Худжаматов С., Насириллаев Б., Болтаев М. Тут ипак қуртининг ҳаёт циклини қисқартириш ва пилла маҳсулдорлигини оширишнинг истиқболлари. // Чорвачилик ва наслчилик иши. - Тошкент, 2021. -№4(21). 46-48-б.
2. Салимджанов С. Совершенствование технологии повышения продуктивности тутового шелкопряда и переработка коконов в условиях Северного Таджикистана. // Диссертация канд. с/х.н. – Душанбе, 2011. С.105-106.
3. G.Abdrimova, Breeds and haybrids of silkworm, prospective for intoruction in silk breeding of Karakalpakstan. // International journal of innovations in engineering research and technology. 10-November, 2020. 7(11) P. 51-53.
4. Насириллаев Б., Ачилов Ш., Жуманиёзов М., Абдуқодиров М. Тут ипак қуртининг янги жинси нишонланган зотлари иштирокидаги дурагайларнинг ҳаётchanлиги. // Агро илм. - Тошкент, 2019. - №2. 59-60-б.
5. Умаров Ш., Насириллаев Б., Гиясова К. Наслли пиллаларни компактлиги бўйича танлашнинг ипак қуртини эмбрионал ва постэмбрионал ҳаётchanлигига таъсири. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Тошкент, 2016. - №8. 41-б.



КУЗГИ БУҒДОЙ УРУҒИ УНИБ ЧИҚИШИННИНГ ТУПРОҚ, НАВ ВА ЎҒИТГА БОҒЛИҚЛИГИ



Бахтиёр Атоев,
к.х.ф.д., катта илмий ходим,
E-mail: baxtiyor.atoev@mail.ru

Жандос Қайпназаров,
таянч докторант,
E-mail: qayipnazarovjandos84@gmail.com

Тошкент давлат аграр университети

Аннотация. В статье приведены результаты полевых опытов, проведённых в условиях орошаемых почв Навоийской области. По результатам исследований в каждом из двух почвенных условий, где был посажен сорт озимой пшеницы «Васса», лучшие всходы и кущение было в 4-ом варианте с нормами удобрения 10 т/га отходы и остатки, N-154, P-112, K-35. В данном варианте срок прорастания семян составило 9,9 дней, кучность растении 466,4 шт/м², длина корня у одиночного растения – 5,4 см, высота травы 5,1 см, количество проросших растений составляет 88,0 процент.

Ключевые слова: Серо-бурые-луговые, орошаляемые-луговые, сорт «Васса» озимой пшеницы, всходы, кущение.

Annotation. The article presents the results of field experiments carried out in the irrigated soils of the Navoi region. According to the research results, in each of the two soil conditions where the winter wheat variety "Vassa" was sown, the best seedlings and tillering were in the 4th variant with a fertilization rate of 10 t / ha waste and residues, N-154, P-112, K -35. In this variant, the seed germination period was 9.9 days, the accuracy of the plant was 466.4 pcs / m², the root length of a single plant was 5.4 cm, the grass height was 5.1 cm, the number of germinated plants was 88.0 percent.

Keywords: irrigated brown meadow and irrigated meadow soils, "Vassa" variety, winter wheat, germination, mowing.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғи турли муддат ва меъёrlарда униб чиқади. Экиш жараёни, яъни ерга уруғлик қадаш ҳам тупроқ-иқлим шароитлари, обҳаво, намлик, агротехника, тупроқдаги озиқа элементларга боғлиқ бўлади [1.-6 б.]. Уруғни униб чиқиши энг аввало уни сифатига боғлиқ. Марказлашган ҳолатда тайёрланган уруғлар давлат андозаси талабига биноан 95 % униб

чиқадиган бўлиши керак [2.-147-151 б.]. Тадқиқот усуслари ва материаллар. Дала тадқиқотлари Навоий вилояти Қизилтепа туманида кенг тарқалган суғориладиган сур тусли қўнғир-ўтлоқи тупроқларда ("Шахзод келажаги" фермер хўжалигида) ва суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида ("Оқработ юлдузи" фермер хўжалигида) кузги буғдойнинг "Васса" нави билан 5 вариант 3



қайтариқда қўйилган. [3.- 248-255. б.]

Октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигига кузги буғдойнинг “Васса” нави экилди. Экиш даврида азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилди. Кейин кузи буғдойнинг тўлиқ униб-чиқиши кузатилди (1-жадвал).

Mineral nutrition also has a positive effect on the content of vitamins «B1» in the composition of stevia leaves. In the experiment, a relatively low indicator of 9.5 mg / 100 grams for the content of vitamins «B1» was noted in the control variant without the use of mineral fertilizers. A relatively high indicator of 11.0 mg / 100g in terms of the amount of B1 vitamins was noted in the variant with the use of mineral fertilizers at the rate of N50 P175 K50 kg / ha. It was found that the use of mineral fertilizers, the amount of vitamins «B1» in the composition of stevia leaves increased by 0.3-1.5 mg / 100 grams.

One of the important properties of stevia is the content of vitamins «B2» in stevia leaves. In studies on the control variant without the use of mineral fertilizers, the content of vitamins n "B2" was 35.5 mg / 100 grams. In variants with the use of mineral fertilizers, the amount of vitamins "B2" in stevia leaves was 35.6-36.0 mg / 100 grams. It was found that due to the use of mineral fertilizers, the content of vitamins «B2» increases by 0.1-0.5 mg / 100 grams.

In the experiment, the highest rate of 36.0 mg / 100 grams in terms of the amount of vitamins "B2" was observed when mineral fertilizers were applied at a rate of N50 P175 K50 kg / ha.

The effectiveness of mineral fertilizers is also noted in the content of «PP» vitamins in stevia. In the control experiment, the amount of PP vitamins in stevia leaves was 3.5 mg / 100 grams.

In the experiment, in all variants with the use of mineral fertilizers, the content of vitamins «PP» in the composition of stevia was higher than in the control variant. The highest indicator of 4.5 mg / 100 grams in terms of the content of vitamin «PP» in the composition of Stevia was noted in the variant with the use of mineral fertilizers at the rate of N50 P175 K50 kg / ha.

Thus, in the conditions of irrigated meadow grey soils, to improve the quality, to increase the amount of minerals and vitamins in the composition of stevia leaves, it is necessary to scientifically substantiate the use of mineral fertilizers, taking into account the needs of plants. Under irrigation conditions, for medicinal properties, it is recommended to use mineral fertilizers at the rate of N50 P175 K50 kg / ha.

CONCLUSION

- Stevia is a plant of a temperate climate, easily adapts to the external environment; under irrigation conditions, this crop can produce consistently high and high-quality yields;
- When using mineral fertilizers, the phosphorus content of stevia leaves was 520-600 mg / 100 grams. In the experiment, due to the use of mineral fertilizers, an increase in phosphorus in stevia leaves by 10-99 mg / 100 grams was noted;
- In variants with the use of mineral fertilizers, the content of potassium in the composition of stevia was 1710-1850 mg / 100 grams. It was found that due to the use of mineral fertilizers, the content of potassium (K) in the composition of stevia increases by 110-250 mg / 100 grams.
- The highest iron content of 6.0 mg / 100 grams was noted in the variant with the use of mineral fertilizers at the rate of N50 P175 K50 kg / ha. In this variant, the content of potassium in the composition of stevia increased by 0.2-1.1 mg / 100 grams.



- In the experiment, the highest indicator of 36.0 mg / 100 grams in terms of the amount of vitamins "B2" was observed when using mineral fertilizers at the rate of N50 P175 K50 kg / ha.
- The highest indicator of 4.5 mg / 100 grams in terms of the content of vitamin "PP" in the composition of Stevia was noted in the variant with the use of mineral fertilizers at the rate of N50 P175 K50 kg / ha.

REFERENCES

1. Azizov B. M. et al. Effect of mineral nutrition on overall leaf area and yield of Stevia (*Stevia Rebaudiana* Bertoni) //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 10. – С. 1156-1163.
2. Байкабилов Б., Белолипов И. Выращивание стевии (*Stevia rebaudiana* Bertoni (Hemsl)] из семян на юге Узбекистана // Биология-наука XXI века: Тез. докл. Пущинской школы-конф. молодых ученых. – Пущино, 2003. – С.156
- 3.Бондарев Н.И. Состав и содержание стевиол-гликозидов в надземных и подземных органах *Stevia rebaudiana* Bertoni и их динамика в течение онтогенеза // Физиология растений основа фитобиотехнологии: Тез. докл. Международной научной конференции. – Пенза, 2003. – С. 379.
- 4.ДусейновТ.К., Ким Ю. М. Ким А.С. Размножение Стевии по методу саженцев // Вестник аграрной науки Узбекистана, 2001.№1, с 37-39 .
- 5.Зимин М.В. Влияние регуляторных факторов на био морфологическое развитие сортовых образцов стевии в условиях ЦЧР: Автореф. дисс канд. биол. наук. – Рамонь, 2006. – 23 с.
- 6.Зубенко В.Ф., Роговский С.Б.,Чудновский Б.Д., Штокал П.П. Влияние облиственности черенков длины светового длины на укореняемость и рост рассады стевии//Физиология и биохимия культур,раст.,1991,-Т.24.с 407-412;
- 7.Ким Ю. Талова Е. –Стевия – новый источник сахара//Сельское хозяйство Узбекистана №10. 1991.37-39 с.
- 8.Узақов Ю, Ким Ю, Дусейнов М. Рекомендации по возделыванию стевии. –Т. "Меҳнат"1994год, с2-9.
- 9.Grammer V, Ikan R. , Sweet glycosides from the stevia plant. J. Chem. Brit. 1986
10. Mayank J. Interaction model of steviol glycosides from *Stevia rebaudiana* (Bertoni) with sweet taste receptors: a computational approach *Phytochemistry* 2015;116:12–20.
11. Onakpoya IJ, Heneghan CJ Effect of the natural sweetener, steviol glycoside, on cardiovascular risk factors: a systematic review and meta-analysis of randomised clinical trials *Eur J Prev Cardiol* 2015; 22: 1575–87
- 12.Tanaka O. Chemistry of *Stevia rebaudiana* Bertoni-new source of natural sweeteners//Recent Adv. Nat. Prod. Res. – 1980. – P. 111-119.
- 13.Tanaka O. – Steviol, glycosides new natural sweeteners. Pure Appl. Chem 1982, №1. 246-248 pp.

ТАДБИРКОР ЧҮПОН



Қишлоқ хўжалиги қўп тармоқли соҳа бўлгани ҳолда унинг ҳар бир йўналиши ўз ўрнига эга. Бир вақтнинг ўзида улар бир-бiri билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун бирини иккincinnисидан айротасаввур қилиш қийин. Шундай соҳалардан бири чорвачилик бўлиб, унда чўпонларнинг ўрни бекиёсdir. Мақоламиз қаҳрамони айнан, шу касб вакилидир.

Мустақиллик чин маънода юртимизга файз ва барака олиб келди. Мамлакатимиз бўйлаб барча соҳаларда ислоҳотларнинг амалга ошириб борилиши эса халқимиз дастурхонининг тўкинлиги, юртимизнинг фаровон бўлиб боришини таъминламоқда. Жорий йил мустақиллик байрами арафасида Президентимиз томонидан кўплаб соҳа вакиллари орден ва медаллар билан тақдирландилар. Улар орасида Поплик чўпон йигит Самандар Тўйчиевнинг “Шухрат” медали билан тақдирланиши туманинг ёшу кексаларини бирдек қувонтириди. Дарҳақиқат, оддий чўпоннинг Юртбошимиз эътиборидан четда қолмаганлигининг ўзи ҳам таҳсинга лойикдир.

Биз ҳам чўпон йигит билан учрашиш ва унинг хурсандчилигига шерик бўлиш мақсадида Поп тумани сари йўлга отландик. Бир неча соатлик йўл машаққатидан сўнг тоғлар орасида жойлашган қўтонга етиб бордик. Бизни ёш бўлишига қарамай, анчагина сўзамол йигит кутиб олди ва биз излаган Самандар айнан ўзи эканлигини айтди. Биз ундан ўзи ҳақида сўзлаб беришини сўрадик.

— 1985 йил шу қишлоқда туғилганман. Болалигимда отам Рўзимбой Тўйчиевнинг шахсий чорвалари бўларди. Уларнинг ортларидан юриб, чорванинг тошдан қаттиқ туёғини кўриб катта бўлдим. Ўрта мактабни тамомладим-да, дарҳол отамнинг таёқларини кўлга олиб, чорва бош сонини кўпайтириш устида бош қотирдим. 2018 йил давлатимиз томонидан яратилган имкониятдан фойдаланган ҳолда туман Агробанкidan 150 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, Ангор наслии эчкиларини харид қилдим. Қишлоғимизда азалдан жун пайпоқ, шарф ва рўмол тўқиши одатта айланган. Хунармандлар тўқилган маҳсулотларини Россиянинг олис худудларига олиб бориб сотиб келишади. Шунинг учун эчки жунининг харидори етарлича топиласди. Айни кунларда бир килограмм эчки жунининг баҳоси

130 000 сўмдан 170 000 сўмгacha. Бир бош она эчкидан 4 килограммгacha жун олиш мумкин. Бизнинг худудлар совуқроқ бўлгани учун йил давомида фақат бир маротаба қирқим мавсуми бўлади. Жорий йил 520 бош эчкидан 27 млн. сўмлик жун йиғиб олишга эришдик.

Хозирги кунда 520 бош Ангор наслии эчкимиз бор. Шу бугун отам яна 70 бош сут ва гўштга мослаштирилган эчкиларни олиб келяптилар, — деб сўзида давом этди чўпон йигит. — Чорва бош сонини кўпайтириш қийинчилик туғдирмайди. Уни парвариша, боқиш учун жой топиш муаммо туғдиради. Биз — оиласам ва укаларим билан эрта баҳорда 50 км узоқда жойлашган Бетакалик тоғларига чиқиб кетамиз. Кузда чорвамизни қир-адирлар орасида жойлашган Пағдибува зиёратгоҳи атрофларида ўтлатамиз. Қишида эса Хушобува зиёратгоҳи худудига тушиб келамиз. Вилоятимиз ҳокими билан бўлган учрашувда у киши мендан: “Чорва бош сонини 1000 тага етказа оласанми?”, деб сўрадилар. Мен, “Албатта, етказа оламан. Фақат озуқа учун озгина сугориладиган ер бўлса бўлди”, — дедим. У киши менга ёрдам беришини айтди. Афсуски, туман ҳокимлигига қилган мурожаатимиз ҳанузгача жавобсиз қолиб келмоқда. Айни кунларда озуқа жамғариш устида бош қотиряпмиз. Бир дона прессланган ҳашак 15 000 сўмдан 20 000 сўмгacha. Энди қанча озуқа сотиб олишимиз зарурлигини ҳисоблаб кўраверинг. Устига устак, бир ойда банкга 5 млн. сўмлик кредит тўловини амалга оширишимиз керак. Шунинг учун чорва бош сонини оширишга қийналяпмиз. Агар шу муаммолар ҳал этилишида туманимиз ҳокимлиги ўз ёрдамини аямаса, ҳам чорва бош сони ошади, ҳам гўшт маҳсулотининг арzonлашишига ҳиссамизни қўшган бўлар эдик.

Сұхбатимиз ниҳоясига етиб, Самандаржон билан хайрлашар эканмиз, яқин орада унинг муаммолари ижобий ҳал этилиши ва олдига қўйган мақсадларига эришишини тиладик.

Каримжон Ҳайит ўғли,
ўз мухбиримиз

Суратда: чўпон Самандар Тўйчиев наслии эчкиси билан

Таҳририятдан: мақолада кўтарилган муаммо юзасидан вилоят ҳокимлиги мутасаддилари ўз муносабатларини билдиришади, деб умид қиламиз.



ҚАДДИ БАЛАНД ҚАДРДОН ДЕҲҚОН

Хоразмнинг буюк сарҳадларида не-не кечмишлар, не-не воқеликлар, сир-синоатлар бўлмаган дейсиз. Гоҳо Хоразм – менинг диёrim, жаннатим ва маъвомдир”, деб ҳайқиргим келади. Келинг, кўринг, бугунги Хоразмнинг виқорли дунёсини, кенг боғларини. Жаннатдан тушгандай ширин мева, полиз маҳсулотларини тановул қилинг. Гўшт маҳсулотлари, гуручидан бўлган totли ошини яна бир тотиб кўринг.

Бу заминнинг асрлараро тилларда номи ўчмаган баҳодирлари: Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд каби Алпомиш ўғлонлари, Ал-Хоразмий, Огаҳий, Мунис, Феруз каби аллома-ю фузалолари бор. Маъмун академияси каби жаҳонга машхур илми комилларни тайёрлагувчи улуғ масканлари, Омон Матжон, Эркин Самандар каби ўз овозига эга мағрур шоири шуаролари бор. Буни кўп давом эттириш мумкин. Бугун ривожланиш баробарида олий ўқув даргоҳлари сони кескин ошди. Урганч шаҳридаги Авесто боғида қад ростлаган Жалолиддин Мангубердининг маҳбобатли ҳайқали бутун хоразмликларга, бу сўлим боғга ташриф буюраётган меҳмонларга юрт шаънини ҳимоя қилиш йигит кишининг бурчи эканлигини, Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббатнинг улуғворлигини, унутилмаслигини бор бўйи билан эслатиб турибди.

Айни дам бу заминнинг кўзга кўринган, бошқаларга ибрат бўлаоладиган фидойи фарзандлари ҳар ишда уdda-буронлиги билан ажralиб туради. Юрт ривожига ҳисса қўшаётган бободеҳқонларимизнинг ҳар бири бир дунё, бир олам. Гурлан туманидаги “Ихлос нур замин” фермер хўжалиги 2001 йилда тажрибали деҳқон ва миришкор зироатчи Тўлибой Сайдабдуллаев томонидан ташкил қилинган эди. Колхоз тузуми даврида бригада бошлиғи бўлиб ишлган Тўлибой аканинг муваффақиятлари, халқ дастурхонини тўкин қилишдаги хизматлари учун давлатимиз томонидан “Шуҳрат” медали билан муносиб тақдирланганди.

Тўлибой ота кексалик нафақасига чиққач, 2015 йилдан фермер хўжалигини бошқаришни Мансур Сайдабдуллаевга топширди. Ота изидан борган фарзанд ҳар бир ишни имкониятидан келиб чиққан ҳолда режалаб олиб борди. Ҳозирги кунда хўжаликнинг умумий ер майдони 147 гектарни ташкил қиласди.

Жорий йилда 55 гектар ерга экилган ғалладан 75-78 центнердан ҳосил йиғиб олишга эришилди ва 150 тонна ғалла шартномага кўра “Хоразмдон” АЖга топширилди. Қолгани хўжалик аъзоларининг ички таъминотига ажратилди. Ёз ўртасида экиндан бўшаган майдонларга тезлик билан сабзавот, полиз ва бошқа керакли экинлар экилди. Бу

маҳсулотлар ҳам вақтида пишиб етилди ва хўжалик аъзоларига, ички бозорга пешма-пеш етказиб берилди. Даромад манбаи бўлган дала экинлари аввало, ишчи-хизматчилар, қолаверса, аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлашда қўл келди.

2021 йил баракали келиб, 70 гектар ер майдонига экилган пахтадан гектарига 60 центнердан ҳосил олинди. “GURLAN GLOBAL TEKS” кластери билан тузилган шартнома асосида етиштирилган пахта хомашёси белгиланган 240 тонна ўрнига 352 тонна қилиб, ошиғи билан етказиб берилди.

Сувчилар Мақсад Бекматов, Худойберган Тонготаров, тракторчилар Сайд Ёрмонов, Ҳамза Раҳимбаевлар ва ишчи-хизматчиларнинг аҳил ҳамда тотувлиги хўжалик ишларининг ривожланишида асосий манба ҳисобланади. Ахир, ҳар бир агротехник тадбирлар вақтида ўтказилса, аъзолар ўз ишига пухта бўлса, ишда ривожланиш бўлиши муқаррар.

Фермернинг турмуш ўртоғи ўзи каби талабчан, фидойи. Ишчи-хизматчиларнинг иссиқ овқати доимо ўз вақтида тайёр. Уларнинг 4 нафар фарзандлари бугун умум таълим мактабида таҳсил олмоқда. Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлган бу ёш авлод ҳам, албатта, ота-оналари каби фидойи бўлиб тарбия топмоқдалар.

Хўжалик раҳбарининг интилувчанлиги, тиниб-тинчимай, кечани кундузга улаб, ота маслаҳатига амал қилиши оқибатида йиллик даромад 4 млрд сўмдан ошди, соф фойда 1,5 млрд ни ташкил қилди. Бу фойдани ўз ўрнида ишлатиш учун фермер яна янги техника сотиб олмоқчи. Мавжуд 20 бош мол сонини кўпайтириб, наслии қорамол боқишини режа қилмоқда. Хўжалик эҳтиёжи учун ҳар иили 100 бош парранда боқилмоқда. Демак, юксалиш йўлидаги қадамлар улуғвор ва нашидали. Ҳар кунимиз эса байрам, тўй-тантана. Хўжаликда олиб борилаётган тадбирлар, ишлар ҳақида қанча гапирсак оздек туюлади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги аҳлиниң бу йилги байрамига муносиб тухфа билан қадам ташлаган гурланлик элдошларимизга омонлик ва саодат, келгуси ишларида омадлар тилаб хайрлашдик. Зоро, Жалолиддин Мангуберди авлодларининг ҳар бир куни Ватан ишқи, эл-юрт равнақи йўлидаги жўшқин қадамлар билан йўғрилган. Сизга омонлик тилайман, элимнинг фидойи, заҳматкаш деҳқони!

**Шукуржон Содикова,
ӯз мухбири**

Суратда: Мансур Сайдабдуллаев
“Шоназар Аваз” фермер хўжалиги
раиси Санъат Жабборов билан ғалазорда

MAKTAB - TADBIRLAR MAKONI



MAKTAB
HAYOTIDA
BAYRAMLAR
JUDA KO'P. BIR KUN
O'QITUVCHILAR, BIR
KUN O'QUVCHILAR
HAYOTIDA TURFA
YANGILIKLAR
ESHITAMIZ.

Maktab hayotida bayramlar juda ko'p. Bir kun oqituvchilar, bir kun o'quvchilar hayotida turfa yangiliklar eshitamiz.

Goho ayrim tadbirlarni ko'rishga ulgurmay qolamiz. Axir, sinflar negizida olib boriladigan tadbirlar, muvaffaqiyatlar ko'zdan qochirilishi, yo eshitilmay qolish hollari bo'ladi. Qachonki o'qituvchilar bilan ahillikni yo'lga qo'ya olsak, ishimiz yurishadi, deb o'ylayman. Jamoaning ahilligi bilan muvaffaqiyatlarga erishish mumkin. "Bilmaganni so'rab o'rgangan olim, so'rab o'rganmagan o'ziga zolim" deb aytishgan donolar. Demak, bizdan o'qimoq, o'rganmoq, o'rgatmoq talab qilinadi. Buning uchun ko'p vaqtimizni maktab va kutubxona dargohida o'tkazmog'imiz lozim.

Yaqinda Xorazm viloyat, Shovot tumanidagi 46-umumiyligini o'rta ta'lim maktabi sportchilari yana bir muvaffaqiyatni qo'lga kiritdilar. Akademik litsey va professional ta'lim muassasalarining o'quvchi-yoshlar o'rtasida "Barkamol avlod-2021" sport musobaqalarining o'smir va qiz bolalar o'rtasida qo'l to'pi (Gandbol) sport turi bo'yicha 19.11.2021 yilda o'tkazilgan musobaqa natijalariga ko'ra maktabimiz sportchilari viloyatda 4-o'rin, qiz bolalar faxrli 2-o'rinni egallagan edilar. Shu munosabat bilan o'quvchilar taqdirlандilar. Bu ahil sport jamoasining maktabda tarkib topishida ustozlarning hissalari katta bo'lmoqda. Tumanda taniqli sportchi Jasurbek Matkarimov hamda maktab jismoniy tarbiya fani oq'ituvchisi Jasurbek Bekchanovlarning tinimsiz caboq berishlari, mashqlarning muntazam olib borilishi bu muvaffaqiyatlar garovi bo'ldi. Axir, bu maktab ordenlu sportchi ustoz Sardor Xudoyberganovning faoliyati shakllangan qutlug' maskan. Bugun maktabda ikkita sinfda tadbir o'tkazildi, katta sport zalida muvaffaqiyatlarga erishgan o'quvchilarni taqdirlashga bag'ishlangan yig'ilish bo'ldi. MMIBDO' M. Bekchanova, o'zbek tili va adabiyoti fani o'qituvchisi Yu.Sapayozova, jismoniy tarbiya fani oq'ituvchisi Jasurbek Bekchanovlar o'quvchilarga "Faxriy Yorliq" va sovg'alarni tantanali ravishda topshirdilar.

Bu ham Xalqaro bag'rikenglikning bir nishonasi, albatta.

Bolalar quvonchidan ruhlanib yashash hammamizga muborak bo'lsin, aziz eldoshlarim!

Shukurjon Jabborova



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИЛГОР ДАРҒАЛАРИДАН ЭДИ

Носир Тоиров,
меҳнат фахрийси, сиёсатшунос

Яқинда Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент, Зангиота туманларида раҳбар лавозимларида фаолият кўрсатган, хусусан кўп йиллар давомида Зангиота туманидаги “Қорасув” жамоа хўжалигига раис бўлиб ишлаган – “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” раҳматли Аъзамjon Қирғизбоевич Абдувалиевнинг 85 йиллиги муносабати билан унинг фаолияти яқинлари, дўст-у ёрлари томонидан хотирланди.

Тадбирдан аввал биз – бир гурӯҳ меҳнат фахрийлари “Оқ уй” қабристонида бўлиб, Аъзамжон ака ва унинг яқинлари қабрларини зиёрат қилдик, бошқа марҳум ва марҳумалар қаторида унинг ҳаққига ҳам тиловат қилинди. Эрта тонгдан Аъзамжон аканинг умр йўлдоши, оила аъзолари ҳамда укаси – таниқли спорт ҳомийси ва истеъоддли тадбиркор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Салимбой Қирғизбоевич ҳам тадбирда ҳозир бўлди.

Зангиота туманида Аъзамжон аканинг хотирасига бағишлиланган тадбир ўтар экан, кўплар шу туманда бир пайтлар ҳоким бўлган, Аъзамжон аканинг шогирди ва яқин дўсти бўлган Баҳром Нозимович Носировни ҳам эсга олишди...

Академик Оқил Умрзоқович Салимовнинг яқинда “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган “Инсон феномени” мақоласида таъкидланганидек, “Кейинги беш йиллик ҳаётимиз, тасаввуримизни кескин ўзгартириб юборди. Ҳаётга муносабатларимиз, интилишларимиз улкан мақсадлар ва қатъий ишонч билан уйғунлашиб бормоқда. Бутунлай янги дунёқаращдаги, янги тасаввурдаги янги фуқаролар шаклланмоқда.” Шу ўринда республикамизда таниқли қишлоқ хўжалик дарғаларидан бири бўлган Нозим ака Носировнинг катта ўғли Баҳромjon Носировни эсламай бўлмайди...

Б. Носиров 1975 йилда Тошкент политехника институтини тамомлагандан кейин, дастлабки меҳнат фаолиятини Тошкент қишлоқ хўжалиги олийгоҳи ўқув-тажриба хўжалигига механик вазифасидан бошлаган. Кейинчалик, Тошкент вилояти қишлоқхўжалик техникалари бошқармаси ҳудудий бирлашмасининг мутахассиси сифатида иш бошлаган, ёш, истеъоддли Баҳромжон тез орада бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимига кўтарилди. Кейинчалик, Зангиота туман қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи, Қибрай тумани ижроқўмининг раиси, “Ғазалкент” агросаноат бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти

“Ўзмевасабзавотузумсаноат” уюшмаси худудий бирлашмасининг бошлиғи, Зангиота туман ҳокими вазифаларида ишлади.

1994 йилда Баҳром Носировга республика раҳбарияти “Ўзмевасабзавотузумсаноат” уюшмасига раҳбарлик қилишни топширди. Ушбу лавозимда ишлар экан, у доимидек бор билими, куч-ғайрати, салоҳиятини тинимсиз фаолиятига бағишилди. Қатор йиллар холдингга раҳбарлик қилгандан сўнг, Баҳромжон “Аҳмад Яссавий” хўжалиги ҳамда “КОФЮТИС” ваколатхонасини бошқарди...

Баҳромжон бирор одамнинг нимагадир муҳтожлигини сезса, қўлидан келганча, зудлик билан ёрдам беришга шошар эди...

1988 йил октябрь ойи. Республика бўйича “десантчилар” иш бошлаган, қама-қамалар авжига чиққан пайт. Мен Қиброй туман халқ назорати қўмитасининг раиси бўлиб ишлар эдим. Олдимга Ўзбекистон автомобиль транспорти вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаган Муҳсин Ҳусанович Ғозиев рафиқаси – Ирригация олийгоҳи доценти бўлиб ишлаётган Лола Умрзоқовна Салимова билан кириб келишди. Ўзбекистон парламенти раҳбари бўлган Оқил Умрзоқович Салимов, тақдир тақозоси билан, шу синглиси ишлаётган олийгоҳга ректор этиб тайинланган эди. Лола опа менга қараб: “Яқинда акамни олиб кетишиди. Мен институтдан узокроқ бўлганим маъқул. Туманингиздаги “Қизил Ўзбекистон” жамоа хўжалиги раиси билан гаплашиб берсангиз, шу хўжалиқда ишлаб турсам. Бир пайтлар мен шу хўжалиқда практика ўтган эдим. Институтимиз билан хўжалик ўртасидаги шартномага раис қўл қўйиб берсалар.”, – деб қўйлимга шартноманинг иккита нусхасини узатди. Меҳмонларни кузатиб, “Қизил Ўзбекистон”га боришига тайёрланиб турганимизда, ўша пайтда Қиброй тумани ижроқўми раиси бўлган Баҳромжон Носиров келиб қолди. Шошиб турганимизни кўриб, “Йўл бўлсин”, – деб сўрадилар. Мен вазиятни тушунтирдим. Баҳром Нозимович: “Мен ҳам бирга борай, иш тезроқ ҳал бўлар”, – деб қолдилар.

Жамоа хўжалигига бирга бордик. Раис Неъмат Соатовга учрашиб, вазиятни тушунтирдик. Раис шартномага бироз қараб турди-да: “Оқил Умрзоқовичнинг сингиллари экан-да... Салимов ҳалол одам. Туҳматга учрабди-да... Тез орада ҳақиқат юзага чиқади, деб ишонаман”, – деди-да, шартта шартномага қўл қўйиб, муҳр босди. Бир нусхасини менга берди ва шу куниёқ уни Лола опага етказдик. Ақалари ўз ишига қайтиб, ҳақиқат қарор топгунча Лола опа “Қизил Ўзбекистон” жамоа хўжалигига бўлдилар...

Халқимизда шундай гап бор: “Кимки эрталабдан ишга шошса, кечқурун ишдан кейин уйга шошса, у ҳақиқатдан ҳам баҳтиёр одамдир”. Яна дейдилар: “Кимки уйда, оила даврасида баҳтиёр бўлса, у ҳақиқатдан баҳтиёр одамдир”. Шу маънода, турли раҳбарлик лавозимларида самарали фаолият кўрсатган, эл-юрт орасида катта обрў-эътибор топган Баҳромжон Носиров қариндош-уруғ, оиласаврасида ҳам баҳтиёр ҳаёт кечирди. Ота-онани, қайнота-қайнонани ҳурмат қилиш, эъзозлаш, ака-ука, опа-сингилларга меҳрибонлик кўрсатишида у кўпларга намуна бўладиган инсон эди. Айниқса, талабалик “олтин даври”да учратган умр йўлдоши Зухраон билан ораларидаги муносабат алоҳида бир қисса ёзишга арзигулиқдир. Баҳромжон бир умр севиб, севилиб яшади, фидокорона меҳнат қилди. Зоро, севги-муҳаббат барчанинг ҳаётида тугалмас илҳом манбаидир. Халқимизнинг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, улуғ шоир ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг “Севгим билан ғолибман ҳар он!” деган сўзларида улкан ҳикмат бор.

Баҳром Нозимович ота томонидан улуғ шоиримиз Усмон Носир, қўшиқчи шоир Ўткир Рашидоларга қариндош эди. Балки, шунинг учундир бадиий адабиётга, хусусан шеъриятга ихлоси катта бўлган.

У биргалиқда сухбатлашганимизда, кўпинча:
Сен азиз қилган қулингни ҳеч киши хор айламас,
Сен агар хор айласанг, ҳар ерга борса хордир!

Яна:

Ё қоронғу кечани шамъи шабистон этган,
Бир лаҳзада оламни гулистан этган.
Бир мушқул ишим тушибдур, осон этгил,
Ё барчани мушқулин осон этган!
каби сатрларни эслашни яхши кўрар эди.

Баҳромжоннинг шу Ватан, шу элу юрт равнақи учун қилган фидойи меҳнати ва саъй-ҳаракатлари, катта ҳаётий тажрибага тўла фаолияти билан танишган киши, унинг тимсолида инсон салоҳияти, масъулияти, ташаббускорлиги, қатъияти, керак бўлса, қаттиққўллик билан кўп нарсани белгилаб беришига ишонч ҳосил қиласди. У ҳаёти давомида ҳамиша ана шу қоидаларга амал қилиб яшади.

Элимизнинг суюкли фарзанди Баҳромжон Носиров бугун орамизда йўқ. Лекин у инсондан яхши ном, қурдирган иншоотлари, ижтимоий соҳа бинолари, серҳосил боғлар, муносиб шогирдлар, эл ишига камарбаста фарзанду набиралари қолди. Унинг нурли хотираси ҳамиша дўйстлари, шогирдлари, яхши инсонлар хотирасида барҳаёт.



АЖДОДЛАРИМИЗДАН ҚОЛГАН БЕБАҲО МЕРОС

Махмуд Абдулҳақ,
журналист

Халқимизнинг ўзига хослигини сақлаб қолишида аждодларимиздан қолган мерос катта роль ўйнайди. Ушбу меросни ўрганиш ёш авлод маънавиятининг

ошишига ҳамда юксак маънавий сифатларнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта. Бу борада улуг аждодларимиздан Муҳаммад Содиқ Қашқарийнинг мероси алоҳида ўрин тутади. У ўзининг “Адаб-ул-солиҳий” номли китобини ёзаётганда Шарқда қабул қилинган одоб-ахлоққа оид қоидаларни бир жойга тўплаб, тизимли кетма-кетликада баён этишини ўз олдига мақсад қилиб олган. Китоб ёзилганига анча вақт бўлган бўлса-да унда баён этилган қоидалар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Жумладан, китобда меҳмонга боргандан, танишлар билан учрашганда, беморни кўришга боргандан одам ўзини қандай тутиши, шунингдек, эр-хотин ўртасидаги муносабат қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги қоидалар батафсил баён этилган.

Хусусан, кимникигadir меҳмонга келган одам ичкарига киришдан олдин, ташқарида туриб, эшикни тақирилатиб ёки йўталиб, уйга кирмоқчи бўлаётганлиги ҳақида уй эгаларига хабар бериши кераклиги қайд этилади. Эшик тақирилаши ёки йўтал оқибатида ичкаридан уй эгасининг овози эшишилганидан кейингина олдинига салом бериб, сўнг ичкарига кириш учун рухсат сўралади. Агар меҳмоннга келган одам уч марта эшик тақирилатганидан ёки йўталганидан кейин ичкарига кириш мумкинлиги ҳақида хабар келмаса, у тезкорлик билан қайтиб кетиши мақбул ҳисобланади. Агар уй соҳиби эшикни очмай туриб меҳмонга келган одамдан кимлигини сўраса, унга аниқ жавоб бериш маслаҳат берилади. Мужмал жавоб бериш тавсия этилмайди.

Агар иккита одам йўлда учрашиб қолса, улар дўст ёки душман бўлишидан қатъий назар, бир-бири билан саломлашишлари даркор. Бунда улар бир-бирига баланд овозда салом беришлари лозим бўлади. Салом берган одамга дарҳол жавоб бериш керак. Кўпчилик одам тўпланган хонага кирган киши алоҳида ким биландир эмас, балки барча ўтирганлар билан саломлашиши зарур.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мажлис ва йиғилишларда қатнашаётган одам ўзини эснашдан тийиши керак, чунки бу маданиятсизликка киради. Эснашини тўхтата олмаган кишига оғзини чап кўли билан беркитиб эснаш тавсия этилади. Шунингдек, мажлисларда мурдаш нотўғри бўлади. Агар кимдир гапираётган бўлса, унинг сўзини бўлмаслик лозим, айтадиган гапингиз бўлса, нотиқ гапириб бўлиб, сўзини яқунлаганидан сўнггина гапириш мумкин. Сўзга чиққанда кўп гапириш маслаҳат берилмайди, ҳар бир одам ўзига тегишили масала юзасидан гапириши лозим. Мажлисда қатнашмаётган одам ҳақида ёмон гапириши нотўғри, шунингдек, кимдир йўқ одам ҳақида ёмон гапирса, уни тингламаган маъқул.

Эр-хотин ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз борар экан, эркак киши хотинига нисбатан хушумомала бўлишилиги, йўқ нарсадан жанжал чиқармаслиги, жаҳлини тия олиши, хотини

қандайдир хато иш қилиб кўйса, уни кечира билиши маслаҳат берилади. Бир вақтнинг ўзида хотин киши ҳам эрига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишилиги, унинг кайфиятига қараб иш тутиши, эрининг топган-тутганига шукур қилиб яшашлиги ҳақида маслаҳат берилади.

Беморни йўқлаб борган одам унинг бош томонига ўтириши, bemor билан яхши нарсалар ҳақида гаплашиши, унинг олдида кўп қолиб кетмаслиги (агар bemornинг ўзи буни илтимос қиласа), bemornинг ўзи тик қарамаслик тавсия қилинади. Шунингдек, касал кўргани борган одам уст-бошига зеб бериши тўғри эмаслиги, камтарона кийинган бўлиши лозимлиги ҳақида сўз юритилади.

Меҳмонга таклиф қилиш ҳақида сўз борар экан китоб муаллифи отаси таклиф қилинган жойга, албатта, ўғлини ҳам таклиф қилиш лозимлигини таъкидлайди. Шунингдек, таклиф жараённида бошқа яқин қариндошлар ҳозир бўлсалар, уларни ҳам меҳмонга чақириш тавсия этилади. Меҳмонларни кутиб олаеттанды уларни имкон қадар лаззатли таомлар билан меҳмон қилиш маслаҳат берилади. Таомга биринчи бўлиб мезбон қўл узатади. Ва таом еб бўлингандан сўнг, аксинча, мезбон қўлини меҳмондан кейин артади. Агар меҳмон яқин одамингиз бўлса таомга сиз биринчи бўлиб қўл узатишингиз шарт эмас. Меҳмон чақиранда дастурхонни ўта тўлдириб юбормаган маъқул, бу манманликка киради. Меҳмонга чақирилган одам ўзи билан таклиф этилмаган кимсани олиб келиши тавсия этилмайди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, одоб-ахлоқ қоидаларига биноан, меҳмон дастурхондаги таомларни мезбоннинг рухсатисиз олиб кетишига йўл қўйилмайди, чунки дастурхондаги нарсалар олиб кетиш учун эмас, балки истеъмол қилиш учун қўйилади.

Китобда, шунингдек, таомга биринчи бўлиб ёши катта одам қўл узатиши, нонни икки қўл билан синдириш даркорлиги, нон увоқларини тўқмаслик, дастурхон устида баланд овозда гапиримаслик, дастурхон атрофида тўпланганларга хунук гаплар гапириш ёки дастурхондаги таомларни танқид қилиш мумкин эмаслиги ҳақида ҳам сўз юритилади. Таомдаги энг яхши лукмалар дастурхон атрофида тўпланганларга таклиф қилинади. Таом тановул қилишдан олдин ва тановул қилиб бўлингандан сўнг, албатта, қўл ювилади.

Чой ёки бошқа чанқоқбости ичимлик ичар экансиз, уни бирданига эмас, балки бўлиб-бўлиб ичиш тавсия қилинади, идишдаги суюқликни бир кўтаришда ичиш беодоблик ҳисобланади. Ўзингиз чанқаб турган бўлсангиз ҳам, сувни олдинига ён-атрофдагиларга таклиф қилиш одобдан ҳисобланади.

* * *

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ўсиб вояга етаётган ёш йигит-қизларимиз одоб-ахлоқли, маданиятли, кенг тафаккури, юксак маънавиятили бўлиб етишишлари учун ҳаммамиз бирдек мастьулият билан ёндашишимиз, бу борада Юртбошимиз томонидан қўйилаётган вазифаларни сидқидилдан амалга оширишимиз даркор, деб ўйлайман. Буэса, ўз навбатида, Янги Ўзбекистонни бунёд этишига, III Ренессанс асосларини яратишга хизмат қилиши шубҳасиз.

ДЕҲҚОН — АСЛИДА ҲАМ ШОИР, ҲАМ НОСИРДИР...

Таҳририятимизга келган мақолалардан ташқари, шеър, ҳикоя ва бошқа бадий асарлар билан танишар эканмиз, ижодкорлар орасида талабадан тортиб таниқли қишлоқ хўжалиги мутахасислари, олимлар, чўпондан тортиб фермер хўжалиги раҳбарининг борлиги журнал саҳифаларида чоп этиладиган бадий материалларнинг қизиқарли бўлишилигига хизмат қилади, деб умид билдирамиз. Кўйида янги рукнимиздан илк бор ўрин олган асарларни Сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилмоқдамиз.



Абдулла Мадалиев,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Таҳририят.

МЕҲР КЎРСАТГАН – МЕҲР ТОПҚУСИДИР

Саховатпеша қариянинг ўй-хаёли қишлоқ аҳлиниң гам-ташвиши билан банд экан. Қаҳатчилик йиллари, кўпчилик бир бурда қотган нонга зор, гам-туссага ботган даврлар. Оқсоқолда озгина моддий имкон туғилиши ҳамонок, бева-бечоралар, ўйқисил-камбағалларнинг эшигини қоқаркан. Уларни ишлатиб, эвазига қоринларини тўйғазаркан. Эътиборлиси шундаки, бир юкни жойидан бошқа жойга кўчиртираб, кейинги сафар эса қайтариб ўз ўрнига келтиртираб экан. Буни қузатиб юрган киши дебди:

- Тақсир, сиз одамларга кўп яхшилик қиласиз. Аммо хайр-саҳоватингизни кўпроқ меҳнат экавига амалга оширасиз. Инчинун буни шундоқ ҳайрия сифатида инҳом этсангиз ҳам бўлади-ку! Шунда савоби ҳам зиёда бўларди, - дебди.

- Тўғри айтасиз, шундоққина хайр-эҳсон қилсан ҳам бўлади. Лекин бундан уларнинг иззат-нафси топталиши, қолаверса, секин-аста шунга кўнишиб, таъмагир бўлиб қолишлари мумкин. Озми-кўпми меҳнат қилиб, эвазига қорин тўйғазишса, луқмаларини ҳалоллаган бўлиб, виждоnlари қийналмайди, таъмагирликни бўйинларига илишмайди, - дебди, мўйсафиид.

ГУНОҲ ВА ЗУЛМГА ТЎСИҚ

Йигитнинг навқиронлик даври ўтиб борсада, у уйланишини хаёлига келтирмас экан. Унга кўпчилик уйланишини маслаҳат берар, у эса бўйи ортга ташларкан. Бундан турли номаъқул гаплар пайдо бўлсада, ўигит экътибор бермас, ёлғизгина онасининг парвариши билан банд, ҳаётидан хурсанд экан.

Йигит қирқдан ошганида онаси қазо қилибди. Шундан сўнггина у уйланиш тараффудуга тушибди. Уйлануб, уч ўғил, уч қиз қўрибди.

...Кейинчалик фикр қилинишича, онанинг феъли оғир бўлиб, келинга жабр-зулм ўтказиши мумкинлигини ўигит фаҳмлаган экан. Шу сабабдан у онасини гуноҳдан, келинни жабр-зулмдан асраш учун шундай ўйлутган экан.

Эндиликда у, турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан волидасини ҳурмат-эҳтиром-ла хотирлашиб, руҳига дую-фотихалар ўқишаркан, Аллоҳнинг рози-ризолиги йўлида баҳтли ҳаёт кечиришар экан.

ОТА ДУОСИ

Муштипар аёл бадмасст эридан доимо азият чекаркан. Золим эр топганига ичар, маст бўлиб хотинини ҳуда-бехудага қалтаклагани қалтаклаган экан. Бундан болалари безор бўлишиб, отаси олдида безгак тутгандек дағ-дағ титтрашаркан. Бечора она жабр-зулмдан дардман бўлиб қолибди, шунда ҳам болаларининг насибасини қийиб, уйидаги бор будини сотиб ичувчи, бағритош эр билан умргузаронлик қилаверибди. Фарзандларини доимо отасининг ҳурматини жойига қўйишга унданбекелган онанинг қисматидан воқиғ бўлган баъзи одамлар аёлга ачинишиб: «Нодон эрга мурувват кўрсатиб нумса топасиз? Болаларингиз вояга етиб қолишибди, яхшиси ажрашиб кетинг», - дебя маслаҳат бершишибди. «Йўқ, йўқ, инсонга фарзандининг ўз отаси бўлишидан улуғроқ баҳт бўлмайди, дунёда. Аллоҳга беадад шукр, болаларим ана шундай баҳтга мушаррафдирлар. Улар оталарига қарши бормай, яхшими-ёмонми, дуосини олиб қолишса бас, бу дунё-ю у дунё кам бўлишмайди, иншооллоҳ!» - дебди ғам-андуҳлар чизги тортган ҳорғин чехрасидан таббассум таралиб.



ҚУТЛОВ

Зафар Ҳудоёрөв,
“Қишлоқ ҳўжалигини
механизациялаштириш”
кафедраси доценти

Бир улуғ йўлларда изларинг бордир,
Маърифат сўзига илмни қўшган.
Ҳам меҳнат, ҳам заҳмат сен учун тақдир,
Дастурхон тузатмоқ чекингга тушган.
Ялангтўш деҳқоннинг илм маскани,
Қошингга келдим мен қутлов айтгани.

Эгатлар бағрига сочилган билим,
Саратон тафтидан тилим ва тилим.
Йиғасан, тузасан, дилга жойлайсан,
Ахир сен зиёсан, ахир сен тилсим.
Ялангтўш деҳқоннинг илм маскани,
Қошингга келдим мен қутлов айтгани.

Бир гиёҳ қошида минг бор парвона,
Парвона бўлишинг ўзи афсона.
Сенга вақт ўлчови қуёш, ой, йилдир.
Ҳар йили имкони фақат ягона
Ялангтўш деҳқоннинг илм маскани,
Қошингга келдим мен қутлов айтгани.

Кимлардир сир излаб кўкка тикар кўз,
Адоқсиз маъвода ким кезар ёлғиз.
Сен ёмғир кутганда кўкка боқасан,
Ўзга дам меҳнатинг; заҳматинг тигиз.
Ялангтўш деҳқоннинг илм маскани,
Қошингга келдим мен қутлов айтгани.

Бир парча ер беринг, томчи сув беринг,
Бор орзу-ҳаваси шунда яширин.
Ҳар баҳор бағрингдан қанотин ростлаб,
Учирма бўлади полопонларинг.
Ялангтўш деҳқоннинг илм маскани,
Қошингга келдим мен қутлов айтгани.

Даврга ҳамоҳанг наъра бўлибсан,
Саралар ичида сара бўлибсан.
Янги Ўзбекистон дастурхонини
Бутлашга ўғиллар, қизлар сайлабсан.
Ялангтўш деҳқоннинг илм маскани,
Қошингга келдим мен қутлов айтгани.

Ҳар улуғ ниятда улуғ ҳикмат бор,
Зиёдан дунёниг устуни пойдор.
Нияting рост бўлсин, орзинг осмон,
Кўк илми заминда яралган илк бор.
Заминдор деҳқоннинг илм маскани,
Қошингга келдим мен қутлов айтгани.

ПИР ВА МУРИД

Энди менинг Сўз айтганда сўзларим мунглиф,
Энди менинг шоир бўлиб юрганим ёлғон.
Карвон ўтар бу дунёда шарафли, туғли,
Кетаяпман, ортимдан-чи келар бир ўғлон.

Энди менинг қадамларим босар оҳиста,
Энди менинг вазним енгил, юрагим оғир.
Бахтим ярим, таҳтим ярим, қўнгил шикаста,
Бу дунёниг заҳматидан тан, вужуд оғрир.


Үфқ эса ҳамон олис, адоги йўқдир,
Ҳамон қирдан ошганим йўқ, макон ламакон.
Мен ўйларнинг синовидан ўтъяпман лекин,
Ортимдан-чи келаяди содда бир ўғлон.

Англамайман, не-ни истаб, не-ни излар у,
Истаганин у билмаса, мен қайдан билай.
Бир қулар-да, овуниб бир, тағин йиғлар у,
Бирда дуто, бирда сито, бирда бўлиб най.

Мунглиф қўшиқ сен қўнгилда уя қурасан,
Менинг эса ўулларингда хаёлим сарсон.
Сен ҳайкалсан, сен соддасан, сен жим турасан,
Югиради ортимдан-чи содда бир ўғлон.

Тоғлар қочинг, ўғлон келар, қадами чақнار,
Боғлар қочинг оташдир у, олов у ахир.
Кўзларимга тик боқмайди, қўнглимга қарар,
Гарчи шоир эмаслигим билиб барибир.

Йўллар эса узун-узун, узундир умид,
Дунё-дун синовлари бори бир бошда.
Олдинда пир, этак тутган изидан мурид,
Ўтиб борар хаёт ўйлин навқирон ёшда.





Xalqimga

*Jo'rabek Sirojiddinov,
ToshDAU talabasi*

Shonli tarix sahnasida
Dong taratgan turkiy xalqsan.
Sohibqiron ta'birida,
"Millatning eng ulug'i"san.

Ma'rifatning uyg'onishin
G'arbgan namuna qilgansan.
Ilm-u fanning inqilobin
Boshlab bergen ham o'zingsan.

Turli asriy bosqinlarda
Mag'rur kurashgan millatsan...
Temuchinning lashkarida
Qo'rquv uyg'otgan Mangbursan.

Adolatda sobitlikdan
Zafarlar quchgan fotihsan...
Yevropani Usmonlidan
Xalos etgan mard Temursan.

Mehmono'stlik borasida
Jahonga ma'lum-mashhursan.
Vamberining safarida
Betakror iz qoldirgansan.

Iltifot va saxylikda
Sen kabisni bo'lganmidi?!
Mojar sayyohin og'zida
Noning ta'mi qolganmidi?...



Arminiy Vamberi,
*Vengriyalik sharqshunos olim va sayyoh.
"Buxoro yohud Movarounnahr tarixi"
asari muallifi*



**Siz armonim
bo'l mang otajon!**

*Nargiza Eshchonova,
ToshDAU talabasi*

*Yoshligimda birga o'ynardik,
O'shal damlar yodimda hamon.
Bugun yoshlik armon bo'lyapti,
Siz armonim bo'l mang, Otajon...*

*Yoningizda yurardim mag'rur,
Olamlarni kezardik tanho.
Kashf etardim mo'jizalarni,
Yo'lamasdi yolg'izlik aslo.*

*Har ne ishda birga edik, biz,
Siz bor, ko'nglim xotirjam edi.
Orzularda endi siz yōqsiz,
O'tgan damlar qaytmasmi, endi?!*

*Yillar o'tib angolmadim hech,
Yo'l qo'yibman qanday xatoga.
O'rtamizda bo'lib nizolar,
Hatto tushlik qilmaymiz birga.*

*Balki begonalar oralagandir,
Gulzorimiz, bog'imiz aro.
Qay fursatda begonabo'ldik,
Ayirdimi, bir ko'zi qaro.*

*Almashdingiz bizni kimgarga,
Ustun bilib qay bevafozar.
Ko'zingizni ko'r qildi nima?
Voz kechdingiz, qilib jafolar...*

*Eslayman men sizni juda ko'p,
Qumsar yurak mehringizni xo'b.
Kechiramiz, qayting, faqat xo'p,
Lek armonim bo'l mang, Otajon...*



Muassis:

Toshkent davlat agrar universiteti

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligining "Ilmiy maqolalarning milliy iqtibos indeksini va ilmiy nashrlarning bibliografik ma'lumotlar bazasini o'z ichiga oлgan platformasi"ga kiritilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2021-yil 24-iyunda 1191-sonli guvohnoma bilan qayta ro'yxatdan o'tkazilgan.

Jurnal respublika bo'yicha tarqatiladi, sotuvda kelishilgan narxda. Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydalanimganda "Agro Inform" jurnalidan olindi, deb ko'satilishi shart. PR belgisi bilan berilgan maqolalar tijorat maqolalari hisoblanadi.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2181-2411 (Print)
ISSN 2181-2519 (Online)

Veb-sayt: agro-inform.uz
Telegram: agroinform_uz
E-mail: agroinform@mail.uz

Nashr indeksi: 1020

Tahririyat manzili:
100140, Toshkent viloyati,
Qibray tumani, Universitet
ko'chasi, 2-uy.
Tel/faks: +99895 195-52-52.

Bosmaxonaga topshirildi:
27.12.2021.

Qog'oz bichimi 60x84^{1/8}.
Offset usulida bosildi.
Buyurtma № 216.
Adadi: 1300 nusxa.

«Eco textile product» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent sh., Uchtepa tum,
Katta xirmontepa va Shirin
ko'chalarini kesishuvni, 47-A.

MUNDARIJA

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг йўзмаси 2
"Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-куватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 5
"Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, ахолининг тадбиркорлик ташабbuslarini молиявий қўллаб-куватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 8
Н. Зиёдуллаева. Марказий Осиёдаги энг иирик аграр университет ўз фаолиятини такомиллаштирум 11
Ш. Хамраев. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш - давр талаби 13
С. Тошниёз ўғли. Аҳоли манфаати йўлида 17
А. Мадалиев. Агросаноат секторида рақамлаштириши амалга ошириш хусусиятлари 21
Р. Юлдашева, О. Сотволдиева, Ш. Намазов, Г. Холмуродова. Экологик -географик генетик узоқ юқори авлод дурагайларида тезпишарлик белгиларининг шаклланиши 29
Ш. Ахмурзаев, Б. Тўхташев, У. Норкулов, М. Шодмонов. Кунгабоқар ва соя экинининг зарпечак билан зарарланишига қарши кимёвий кураш 33
Б. Насириллаев, С. Осербаева, М. Жуманиёзов. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида тут ипак курти зот ва дурагайларининг пилла маҳсулдорлиги 35
Б. Атоев, Ж. Қайпназаров. Кузги буғдои уруғининг униб-чиқишини тупроқ-нав ва ўғитга боғлиқлиги 40
Н. Мамасолиева. Тил - миллат фахри 44
M. Nurtdinova. O'zbek tilidagi fe'l nisbatlari (darajalari) 47
B. Sapayev, F. Saitkulov, M. Mamedova, N. Turdimatova, J. Sirojiddinov. Kobaltning siz bilgan va bilmagan sirlari 50
B. Sapayev, F. Saitkulov, M. Tugalov, N. Ropjonova, A. Bazarbayev. Kumush haqida afsonalar yohud zamonaviy tibbiyot 52
M. Adylov, B. Rustamov, A. Rustamov, M. Amanova. Perspective varieties of red cabbage for repeated culture in Uzbekistan 54
B. Nasirillaev, M. Abdikodirov. Reproductive and viability characteristics of F1, F2 generations during the improvement of the mulberry silkworm breed balanced on non-allelic embryonic z-lethal 61
N. Muminov, M. Odinaev, Kh. Vasiev, A. Abdiraimov, M. Kurambaev. Development and implementation of technological processes and regimes for the preparation of cotton flaps for the extraction of pectin substances 68
M. Saidov, I. Ochilov. Issues of improving the organizational and economic mechanisms of clusters in the conditions of transformation of the agrarian sector 83
J. Pirimkulov, D. Mo'minova. Global problems of water resources and increasing water productivity 88
B. Azizov. The chemical composition and medicinal properties of Stevia (Stevia rebaudiana bertoni) in the conditions of Uzbekistan 91
К. Ҳайит ўғли. Тадбиркор чўпон 97
Ш. Содикова. Қадди баланд қадрдан дехқон 98
Ш. Жабборова. Maktab - tadbirilar makoni 99
Н. Тоиров. Қишлоқ хўжалигининг илғор дарғаларидан эди 100
М. Абдулҳақ. Аждодларимиздан қолган бебаҳо мерос 102
Дехқон — аслида ҳам шоир, ҳам носирdiri..... 103